O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 11-fevral, 2009-yil ● №7 (613) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@mail.ru ● www.uzhurriyat.uz

ОТ — ЙИГИТНИНГ ЙЎЛДОШИ



Ўзимизда от азалдан йигитнинг кўрки саналади. Айниқса, халқ оғзаки ижодида от образи алоҳида меҳр билан тилга олинган. Ҳатто у ҳақда бир нечта ривоятлар ҳам бор.

⇨ 2-бет

СЎЙЛАСИН УРХУН ХАТИ



Руна ёдгорликларининг андозаси кўп вақт номаълум бўлиб келди. "Туркий халқлар бу ёзувни яратаётганларида бирор ёдгорликдан андоза олган бўлишлари керак", — деган умид мутахассисларни тинч қўймасди. Уларнинг умидлари ўлароқ, намуна бўлган ёдгорлик топилди.

⇨ 7-бет

БЕТАКРОР ИСТЕЪДОД СОҲИБИ, МАРД ВА ТАДБИРКОР ИНСОН

Бобур фикрича, худбинлик, хасислик, риёкорлик каби ёмон иллатлар инсонни ҳалок этади. У инсоннинг ҳаёти яхшилик, мурувват, олижаноблик, тўғрилик каби олий мақсадларга қаратилиши керак, деб ҳисоблайди.

⇨ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг 4 февраль куни Москва шаҳрида бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида иштирок этди.**

■ Мустақиллик туфайли ҳар йили мамлакатимизда 9 февраль кунини буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллуд топган сана сифатида нишонлаш анъанага айланди. Шунга мувофиқ жорий йилда ҳам шоирнинг 568 йиллиги муносабати билан юртимизнинг барча ҳудудларида навоийхонлик кечалари, улуғ бобомиз ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирлар давом этмоқда.
Хусусан, пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий боғида шоир ҳайкалининг пойига гулчамбар қўйиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Бош вазир ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

■ **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонунининг Сирдарё вилоятидаги ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.**
Мазкур қўмита раиси А.Мўминов бошқарган тадбирда Сирдарё вилояти ҳокимлиги, тегишли вазирлик ва идоралар, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

■ Берлин марказида жойлашган тарихий Жандарммаркт Концерт залида иқтидорли ўзбек пианиночиси Улуғбек Полвоновнинг концерти муваффақият билан ўтказилди. Берлиндаги концертга ташриф буюрган мусиқа шайдолари орасида кўплаб таниқли санъаткорлар ҳам бўлиб, улар Улуғбекнинг ижрочилик маҳоратига юқори баҳо берди.

■ ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИ



ФАХРИМИЗСАН, ИФТИХОРИМИЗСАН, АЗИЗ ПОЙТАХТИМ!

Тарихи минг йилликларни ортда қолдирган пойтахтимиз — Тошкент кўплаб олим-у фузалоларни етиштириб берган табаррук заминдир. Қадимда Чоч, Шош ва бошқа бир қанча номлар билан аталган мазкур шаҳар фан, маданият ва маърифатнинг азалдан ҳам маркази ҳисобланган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг барча шаҳарлари каби пойтахтимиз ҳам янада чирой очиб бормоқда. Кенг ва равон кўчалар ва уларга файз бериб турган замонавий бинолар, гавжум хиёбонларни кузата туриб шундай фусункор, жаннатмонанд юртда яшаётганингдан кўнглингда фахр-ифтихор туйғуларини ҳис этасан, киши. Қадимий ва ҳамиша навқирон пойтахтимиз — Тошкент бугун нафақат Марказий Осиёда, балки бутун дунёда ўзига хос гўзаллиги ва мавқеи билан алоҳида ажралиб туради. Бу ҳақиқатни бугун нафақат юртдошларимиз, балки шаҳримизга ташриф буюриб, унинг чиройидан баҳраманд бўлаётган, сеҳрли кент жамолидан лол қолаётган минг-минглаб хорижлик меҳмонлар ҳам алоҳида эътироф этишмоқда.

Айни кунларда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан жойларда кўплаб тадбирлар уюштирилмоқда. Шундай тадбирлардан бири куни-кеча Ўзбекистон тарихи давлат музейида ҳам ўтказилди. "Тошкент: кеча ва бугун" деб номланган ушбу тадбирда қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг бой ўтмиши ва бугуни ҳақида сўз юритилди.

Айниқса, "Тошкентнинг мўътабар қадамжолари", "Тошкент — Шарқ дарвозаси" ҳамда "Тошкент — 2200 ёшда" мавзуидаги бир-биридан қизиқарли, янги маълумотлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Тадбир сўнггида Тошкент тарихига оид яратилган ҳужжатли фильм намойиш этилди ва тарих музейи бўйлаб саёҳат уюштирилди.

Камола МАНСУРОВА
Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

■ ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТАДИ

"НАВРЎЗ — БОҚИЙ БАЙРАМ"

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Халқаро "Наврўз" хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда халқимизга хос бўлган меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайр-саховат каби фазилатларни, шунингдек, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, аҳиллик, ўзаро ҳурмат сингари миллий қадриятларимизни фуқаролар, айниқса, ёшлар онгу шуурига чуқурроқ сингдиришда ОАВнинг ролини кучайтириш, журналистларнинг фаоллигини ошириш ҳамда уларда янги ижодий ёндашувларни шакллантиришни рағбатлантириш мақсадида "Наврўз — боқий байрам" танловини ўтказади.

Янгиланиш ва яшариш фасли, умумхалқ байрами — Наврўзга бағишлаб ўтказиладиган бу танловга 2008 йилнинг 20 мартидан 2009 йилнинг 20 мартигача — бир йил мобайнида телевидение орқали кўрсатилган, радиода эфирга узатилган, газета ва журналларда босилган ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган материаллар 2009 йилнинг 1 апрелигача қабул қилинади.

"Наврўз — боқий байрам" танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

** телевидение бўйича энг яхши журналистик иш учун;*

** радио бўйича энг яхши журналистик иш учун;*

** даврий матбуот бўйича энг яхши журналистик иш учун;*

** Интернет нашрлар бўйича энг яхши журналистик иш учун.*

Ҳар бир номинация бўйича учта: 1-, 2-, 3-ўрин таъсис қилинади. Ғолиблар олган ўринларига қараб қиймати турлича бўлган ноутбуклар билан мукофотланадилар.

Булардан ташқари мавзуни энг яхши ёритган ОАВ таҳририятлари учун ҳам учта: 1-, 2-, 3-ўрин учун мукофотлар таъсис этилади. Ғолиб таҳририятлар олган ўринларига қараб, қиймати турлича бўлган компьютер тўпламлари билан мукофотланади.

Танловга камида 5 та ижодий иш тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга муаллиф ва унинг ижодий фаолияти ҳақида қисқача маълумот, иш ва яшаш манзили, телефонлари ва паспорт маълумотлари илова қилиниши керак.

Танлов ғолибларининг номлари матбуотда эълон қилинади.

Материаллар "НАВРЎЗ — БОҚИЙ БАЙРАМ" деб кўрсатилган ҳолда 2009 йилнинг 1 апрелигача қуйидаги манзилга юборилиши лозим:
100129, Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30-уй. 3 қават 30-, 35- ва 37-хоналар.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Тел: (8.371) 244-64-61, 244-64-62, 244-37-87

■ ТИЙРАНЛИК

ҚУРЪА

ёхуд Шарқдан Ғарбга ўтган демократия

Навоийхонларга "Лисон ут-тайр" достони Фаридуддин Атторнинг (1229 йили вафот этган) "Мантиқ ут-тайр"и таъсирида битилгани ва унга шоир *Фоний* тахаллусини қўллагани маълум. Асар воқеаси шундайки, гулистону бешаву баҳру биёбон, яъни чаманзору чакалакзор-у денгиз-у йўл-у дашт қушлари йиғилиб, базм тузмоқчи бўлишади. Лекин Тўтидан — Олақарға, Булбулу Қумридан — Қарға, Шунқордан — Калхат, Товусдан — Юртачи (ўлаксахўр қуш) юқорироқ ўтиради, ҳунарли қушлар қолиб, беҳунарлар тепароқ чиқади, тождор қушлар бошида туки йўқ — тепакал қушлардан қуйига тушиб кетади. Бу ноҳақликдан норозилик чиқиб, жанжал кўтарилади.

Шунда қушлар бир доно, одил шоҳга эҳтиёж сезишади, токи у ҳақни барҳақ, ҳар кимга ўз мавқеига яраша жой тайин қилғай. Ҳудҳуд Симурғ деган шоҳдан дарак беради. У билан қушлар орасида бўлиб ўтган кўп савол-жавобу сўйланган дилгир ҳикоятлардан кейин бу жамоа Симурғни излаб, қанот қоқишга тушиб кетади.

Лекин яна ҳар ким ўз билганича учар, кучлироғи илгарилаб кетиб, ожизроғи ортда қолар, хуллас, улар пала-партиш, бебошларча ҳаракат қилар эди. Жамоага мақсад сари бир тан-у бир жон бўлиб учишларида сардорлик қиладиган, бу йўлнинг паст-у баландини яхши биладиган бир бошлиқ керак бўлиб қолади.

Қушлар ҳеч иккиланмай, Симурғдан хабар бериб, уларни мақсад сари ундаган Ҳудҳуддан раҳбар бўлишини илтимос қилишади. Аммо Ҳудҳуд, гарчи бунга чиндан ўзининг энг муносиб қуш эканини билса-да, кўнмайди. *Майли, мен билганимча йўл кўрсатай, лекин бошлиқ бўл, десангизлар, қўрқаманки, орамизда фарқ пайдо бўлиб қолади*, дейди. Қушлар, ноилож, қуръа ташлаш фикрига келишади. Қарангки: *"Яхши ният — ярим давлат"*, — деганларидек, қуръа ҳам келиб Ҳудҳудга тушади:

2 »

■ ДУНЁ СИЁСАТИ

Киберда НАТО кучлари

Покистон ҳарбийлари мамлакатнинг шимолий ғарбидаги Кибер вилоятида "Толибон" гуруҳининг 52 нафар жангарисини йўқ қилди. Ҳужум пайтида, шунингдек, қурол-аслаҳа омбори ва саккизта ҳарбий автомобиль ҳам портлатиб юборилди.

Покистон ва Афғонистон мамлакатлари ўртасидаги чегара вилоят ҳисобланган Киберда НАТОнинг асосий кучлари жойлашган. Покистон ҳарбийлари кутилмаганда ердан ва ҳаводан ҳужум уюштиришди. Натижада жангарилар мағлубиятга учрашди.

Эслатиб ўтамиз, Покистоннинг шимолий ғарбида "Ал-қоида" терроризм ташкилоти ва "Толибон" ҳаракати вакиллари ўрнашиб олишган. Уларни йўқотиш учун Покистон ҳукумати кейинги кунларда ҳарбий ҳаракатларни кучайтирди.

(Дунё сиёсатига оид хабарларнинг давоми бешинчи саҳифада) 5 »

■ ТААССУФ

ОШКОР БЎЛГАН СИР

ёхуд мактаб-интернатнинг собиқ раҳбарлари қандай қилиб болалар ризқини «туя» қилгани ҳақида

Директор чақираётганини эшитиб, омбор мудири ва бош ҳисобчи бир зумда бошлиқнинг хонасида ҳозир бўлишди.

— Гап бундай, — деди раҳбар столни чертиб-чертиб. — Бугундан белни маҳкам боғлаб, ишга киришинглар, ёзилган ишончномаларни ва бошқа ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиб юрманглар тағин, менинг имзоимни ҳам бош ҳисобчининг ўзи қўйиб юбораверсин. Озиқ-овқат маҳсулотлари олингандан кейин уларни ими-жимида пуллашни менга қўйиб беринглар. Тушган пул ўртада "арра" бўлади. Тушунарлими? Ҳеч хавотир олманглар. Орқаларингда мен турибман. Лекин гап ўртада қолсин...

Бундан икки йил муқаддам янги ўқув йили бошланиши арафасида Урганч шаҳридаги 96-махсус мактаб-интернат собиқ директори Иброҳим Абдураҳмонов хонасида бўлиб ўтган қисқа фурсатли суҳбатдан кейин ҳамтовоқлар енг шимариб ишга киришди. Директорнинг "ўнг қўли" бўлган омбор мудири Улуғбек Ражабов билан бош ҳисобчи вазифасини бажарувчи Ҳоважон Аҳмедовалар турли корхона ва ташкилотлардан озиқ-овқат маҳсулотларини олиш учун антиқа ишончномаларни "кашф" қилавердилар. Уларга раҳбарнинг розилиги билан унинг имзосини Ҳ.Аҳмедова қўяверди. Омбор мудири У.Ражабов сохта ишончномаларни қўлтиқлаб, турли савдосотиқ корхоналарига йўл олаверди. Шундай қилиб, устамонлар "Хоразмий" масъулияти чекланган жамиятидан 16,5 миллион сўмлик, "Янгибозор — Машъал" савдо марказидан 8 миллион сўмликдан кўпроқ, "Урганч — Ёғду Сервис" савдо харид корхонасидан 3 миллион сўмлик турли озиқ-овқат маҳсулотларини олиш учун ишончномалар битишди.

2 »

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ҚУРЪА

(Бошланиши 1-бетда.)

Қуръа солиб ҳар бирининг зотиға,
Тушти ул дам қуръа Ҳудҳуд отиға.

Шу тариқа Ҳудҳуд қушларнинг пешвоси бўлади.

Қуръа ташлаш воқеаси "Мантиқ ут-тайр"да ҳам бор. Унда ҳам қуръа Ҳудҳудга тушади:

Қуръа афканданду, бас, лоиқ фитод,
Қуръашон бар Ҳудҳуди ошиқ фитод.

Бироқ, Ҳудҳуднинг раҳбарликдан бош тортиши – Фоний, яъни Навоийнинг ўзи қўшган талқин.

"Фарҳод ва Ширин" достонидан биламизки, Фарҳод ҳам отаси – Чин ҳоқони таклиф қилган тождан бош тортади, *мен ҳукмдор бўлишга ҳали лойиқ эмасман*, дейди. Демак, муносиб одамгина халққа йўлбошчилик қилиши керак, деган ғоя, гарчи бу бош масалалардан бўлмаса-да, Ҳудҳуд тасаввуфдаги раҳнамо — пир рамзи бўлса-да, кўрганимиздек, "Лисон ут-тайр"да ҳам илгари сурилган.

Қаранг, шоҳнинг вориси, яъни авлодигина шоҳ бўлиши мумкин, деган ақидага баҳслашиб ўтирмай, қатъий амал қилинадиган бир замонда Навоий раҳбарнинг халқ иродаси билан танланиши ва унинг пешво-ю, раҳнамоликка лойиқ бўлиши масаласини кўтарган. Бу эса ҳозирги кунимиз учун ҳам муҳим.

Албатта, *демократия* – бизга ғарбдан кириб келган сўз. Бироқ, кўриб ўтганимиз воқеа замирида нима ётибди?

Айнан демократия эмасми?

Султонмурод ОЛИМ

САРҲИСОБ

Фильмлар кўриги

Айни кунларда "Ўзбеккино" миллий агентлигида ўтган йилнинг ижодий сарҳисобига киришилди. Президентимиз томонидан "Ёшлар йили" деб эълон қилинган 2008 йил киночилар ҳаётида, айниқса, ижодий самарадорлиги билан эсда қоладиган бўлди. 40 дан зиёд турли жанрдаги бадиий фильмлар, 30 та илмий-оммабоп ва ҳужжатли, кўплаб ўқув ҳамда дастурий кино асарлар яратилди.

Кеча илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясида йил якунига бағишланган конференция олдидан фильмлар намойиши бошланди. Унга мутахассислар, киноижодкорлар, талабалар ва жамоатчилик вакиллари — томошабинлар таклиф қилинган.

Фильмлар намойиши тугагач, 27 февралда уларнинг муҳокамаси бўлиб ўтади ва киностудия фаолиятига баҳо берилади. Бундай тадбирлар кино санъатимиз тараққиётида ижобий роль ўйнайди, албатта.

Арафжон МАВЛОНОВ

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Имкониятларнинг янги уфқлари

АТБ "Пахта Банк"нинг Бухоро вилоят бошқармаси ва бўлимлари фаолиятида акс этмоқда

Оилам фаровон, юртим тинч, халқимнинг дастурхони тўкин бўлсин дейдиган саховатпеша тадбиркорлар ва фермерлар ўз ишини йўлга қўйиб, даромадини бунёдкорлик ишларига, эл-юрт равнақига сарфлашни ният қилиши шубҳасиз. Ишончли, узоқни ўйлаб тайёрланган лойиҳаларни амалга ошириш учун эса мўмайгина сармоя талаб этилади. Шунда хоҳ тадбиркор, хоҳ оддий фуқаро, хоҳ фермер хўжалиги раҳбари бўлсин, албатта, молиявий муассасалардан кўмак сўрайди. Айтиш жоизки, мамлакатимиз банклари бу борада аллақачон тадбиркорларнинг молиявий ҳамкори, ишончли суянчиғига айланиб улгурди. Айниқса, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳамда фермерлар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда бошқаларга ўрнак бўла олаётган акциядорлик тижорат "Пахта Банк"нинг амалга ошираётган ишларини алоҳида таъкидлаш лозим. Молиявий муассасанинг Бухоро вилоят бошқармаси ва унинг туманлардаги бўлимлари мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишларни амалга ошириб келмоқда десак янглишмаймиз.

АТБ "Пахта Банк" Бухоро вилоят бошқармасининг барча бўлимларида, хусусан, Ромитан, Жондор, Олот, Бухоро туман бўлимлари фаолиятида сўнгги пайтларда мижозларнинг ҳамда омонатга сармоя қўйган шахсларнинг биринчи талабидаёқ нақд пул билан таъминлашни йўлга қўйилгани эътиборга молиқдир. Бу ўз навбатида аҳолининг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлаяпти.

— Авваллари ортиқча маблағимиз бўлса, банкка қўйиш учун очиғи, бироз иккиланар эдик, — дейди мижоз Ойгул Соатова. — Чунки пулимизни зарур бўлган пайтда қайтариб олишга қийналиб қолишимизни ўйлардик-да. Ҳозир Президентимизнинг Фармони чиқди. Бу бизга катта ишонч бераяпти. Шу боис, бундан уч ой аввал "Пахта Банк"нинг Бухоро шаҳар филиалига анча-мунча маблағимни омонатга қўйган эдим. Ҳозир бундан ўзим хурсандман. Негаки, ўз вақтида ойма-ой омонат фоизларини олиб турибман. Бу ҳақда маҳалладошларимга айтгандим, тунов куни икки қўшним ҳам шу банкка пулларини қўйишди. Банк ходимларига раҳмат. Бизни сира овора қилишмаяпти. Қолаверса, каттагина пулни уйда гоҳ у ерга, гоҳ бу ерга бекитиб юришимизга ҳам энди ҳожат йўқ. Ахир маблағимиз кафолатли, ишончли — "Пахта Банк"да сақланса, устига-устак ҳар ой қўлимга даромад келтириб турса, бу қулайликдан баҳраманд бўлиш — кони фойда-ку.

Албатта, самимият уфуриб турган бу гапларда сира муболаға йўқ. Негаки, молия муассасасига ишонч билдираётганлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Бугун янги иш бошлайман, тадбиркорлик қиламан, деган юртдошларимиз ҳам кам эмас. Ана шундай инсонлардан бири когонлик Абдусаид Норов бўлади.

— Чорвачилик билан шуғулланиш мақсадида ўтган йили кредит олмоқчи бўлиб "Пахта Банк"га мурожаат қилган эдим, — дейди у биз билан суҳбатда. — Ростини айтсам, режа-лойиҳам билан танишган банк ходимлари сира муаммо туғдирмасдан 5 миллион сўм имтиёзли кредит ажратишди. Ҳозир ўндан ортиқ зотдор қўй, бир нечта бош қорамоллар боқаяпман. Бу ишим оила аъзоларимни ҳам хурсанд қилди. Энди қўшимча даромад олишимга имконият туғилмоқда. Қисқаси, банк ходимларидан жуда-жуда миннатдорман.



Ҳозирги пайтда вилоят молия муассасаси ўзининг 11 та филиали ва 53 та мини банки орқали жами 12410 та мижозга сифатли ва қулай хизмат кўрсатиб келмоқда. Жамоанинг фуқаролар эҳтиёжи ва қизиқишларига таяниб иш юритаётгани мижозлар сонининг ортиши баробарида тадбиркор бўлиш иштиёқида юрганларга катта имконият эшикларини ҳам очиб бермоқда.

Иқтисодиётнинг жадал ривожланиш босқичига кўтарилгани маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни хорижга экспорт қилишда тадбиркорлар ва фермерлар улушининг ортиб бораётганини қувонч билан таъкидлаш жоиз. Ўтган йили Бухоро вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган 6697,6 миллион сўм миқдоридаги кредит ҳисобига 885 та янги иш ўрни ташкил этилиб, 2203,6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ажратилган маблағларнинг асосан қишлоқ хўжалиги тармоғига йўналтирилаётгани аграр соҳа ривожига, фермерларнинг ўзи хоҳлаган техника ва мини технологияларни сотиб олишига, умуман олганда қишлоқ хўжалигининг юқори суръатларда тараққий топиб боришига имкон яратмоқда. Жумладан молиявий муассаса томонидан ўтган йили жами 15280 дан ортиқ юридик ва жисмоний шахсларга комплекс хизматлар кўрсатилган бўлса, шундан 5113 тасини кичик бизнес субъектлари, 7757 тасини фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил этади.

Бошқача қилиб айтганда, хусусий тадбиркорлик субъектлари, якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш, янги ташкил этилган ишлаб чиқариш корхоналарини қўллаб-қувватлаш, иш ўринларини яратишга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Масалан, ўтган йили "Buxara Golden Fruit" Ўзбекистон — Америка қўшма корхонасига мева шарбатлари ва томат пастаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун имтиёзли кредит берилганди. 120 киши меҳнат қилаётган жамоада 5946,9 тонна мева шарбатлари ва томат пастаси тайёрланиб, Россия, АҚШ, Украина, Хитой, Туркия, Қозоғистон каби давлатларга экспорт қилинди. Бу юртимиздаги оддийгина қишлоқда барпо этилган корхонанинг дунё бозорида ўз ўрнини топаётганидан, кечагина молиявий муассасадан кўмак сўраб келган тадбиркорларнинг ўз фаолиятини йўлга қўйиб, жаҳон билан бўйлашаётганидан нишона. Энг муҳими, бундай хайрли ишлар, қўлга киритилаётган муваффақиятларнинг сонсаноғи йўқ. Бу ўз навбатида вилоят ривожига ҳам катта ҳисса қўшаяпти. Масалан, банкнинг 222 миллион сўмлик кредити эвазига "Бухоро темир-бетон заводи" корхонаси негизида шифер ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, 50 миллион сўмлик кредит ҳисобидан "Севинч чашмаси" агрофирмасида яхна ичимликлар тайёрлана бошланди. Бу статистик рақамларни, ҳаётий мисолларни яна узоқ давом эттириш мумкин. Энди қанчадан-қанча фуқаролар "Пахта Банк" кўмагида ишли бўлишаётганини ҳисоблаб кўраверинг.

Амалга оширилаётган бу ижобий ишларнинг жорий йилда ҳам изчил давом этишига шубҳа йўқ. Ҳозирданоқ бу борада илк қадамлар ташланаётганини мамнуният билан таъкидлаш лозим. Ана шундай янгиликлардан бири — яқин кунларда "Бухоро гилам" корхонасига молиявий муассаса кўмаги билан Германияда ишлаб чиқилган 2 та "Alfa 360" русумидаги замонавий гилам ишлаб чиқариш ускунаси олиб келиниши кутилаяпти. Демак, юртимиз, жумладан, Бухоро бозорларида тез кунларда арзон ва сифатли, чиройли гиламлар янада кўпаяди. Йил охиригача эса Ғиждувон "Пахта Банк" бўлими ҳузурида ташкил этилган Европа Тикланиш ва тараққиёт банки бўлими билан ҳамкорликда юқоридаги каби 651 миллион 300 минг сўм қийматидаги жами 61 та лойиҳани молиялаштириш кўзда тутилаяпти.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, биргина АТБ "Пахта Банк"нинг Бухоро вилоят бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари мисолида Юртбошимиз раҳнамолигида изчил амалга ошириб келинаётган иқтисодий ислоҳотлар ўзининг кутилган натижасини бераётганини айтиш мумкин. Жаҳондаги манаман деган давлатлар иқтисодий инқирозни бошидан кечираётган бир пайтда республикамиздаги молиявий муассасалар фаолияти дунё ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланаётгани, халқаро йирик ташкилотлар ижобий ўзгаришларга катта қизиқиш билан қараётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Энг қувончлиси, мамлакатимиздаги хайрли ишлар самара бераётганидан, ана шу эзгу амаллар рўёбида эса банк соҳасининг ҳам катта ҳиссаси борлигини таъкидлаш ўринлидир.

Шавкат НОСИРОВ,
"Hurriyat" мухбири.

БЕТАКРОР МАЪНАВИЙ ХАЗИНА

Республика Байналмилал маданият марказида Маънавият тарғибот маркази, Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамкорлигида «Алишер Навоий ижоди—миллий маънавий хазинамиз» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Буюк бобокалонимиз ҳаёти ва ижоди, бой маънавий меросига бағишланган тадбирга рус, озарбайжон, тожик, турк, туркман ва уйғур маданий марказлари бадиий жамоаларининг чиқишлари ўзгача кайфият бахш этди.

Иномжон АБДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

КОМПРЕССОР СТАНЦИЯСИ ҚУРИЛДИ

Ўзбекистон—Швейцария қўшма корхонаси ҳисобланган "Кўкдумалоқгаз" корхонаси бош пудратчилигида — Газли конида сиқув-компрессор станцияси қуриб битказилди.

Мазкур технологик мураккаб қурилмани синаш жараёнида компрессорнинг ҳар қандай шароитда ҳам бир маромда ишлаши мутахассислар томонидан эътироф этилди.

Жами 200 миллиард сўмлик маблағ эвазига барпо этилган қурилма тўла қувват билан ишга туширилгач, Газли конидан аҳоли эҳтиёжи учун бир кеча-кундузда 26 миллион куб метр табиий газ етказиб бериш имконияти яратилади.

Пўлат ҒАДОЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

БУНЁДКОРЛИК АВЖИДА

Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларида ўтган йили "Инжинеринг" компанияси қурувчилари томонидан 34 миллиард сўм маблағ ҳисобига 12 та касб-ҳунар коллежи, 4 та янги мактаб қурилиб, 59 та мактаб эса реконструкция қилинган эди.

Жорий йилда эса 6 та янги касб-ҳунар коллежини қуриш ва 2 та коллежни қайта реконструкциялаш учун 9 миллиард 300 миллион сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, 6 та янги мактаб биносини қуриш, 73 та мактабни реконструкция қилиш каби хайрли ишларни амалга ошириш ҳам кўзда тутилмоқда.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Ўзбек Миллий академик драма театрида режиссёр Валижон Умаров томонидан саҳналаштирилган "Ўтган замон ҳангомалари" спектаклининг премьераси бўлиб ўтди.

Унда жозиба ва ранг-баранглик воқеалар ривожи орқали ифода этилганки томошабин ўзини гўёки ана шу жараёнлар оғушида ҳис этади. "Ўтган замон ҳангомалари" деб номланган ушбу спектакль Ғафур Ғуломнинг "Менинг ўғригина болам", "Шум бола" ҳамда "Ҳасан кайфий" асарлари асосида яратилган бўлиб, унинг янги талқини учун сценарийни шоир ва драматург Усмон Азим ёзган.

Азим РЎЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

КЎРГАЗМАДА ҚИШЛОҚЛАР АКСИ

Миллий санъат марказида Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, "Навқирон Ўзбекистон – 2008" фестивали совриндори Дилором Мамедованинг шахсий кўргазмаси очилди.

Рассомнинг саккизинчи шахсий экспозициясида сўнгги икки йил давомида яратган юздан зиёд асарлари намойиш этилмоқда. Кўргазмадаги суратларда ўзбек халқининг турмуш тарзи, бетакрор анаъаналари ва маданияти моҳирона акс эттирилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Хусусан, "Қуёшли шаҳар", "Тонг", "Сокинлик", "Оқшом", "Шоҳимардон" "Кўприк" каби асарларида юртимиз табиатининг гўзаллигини ёркин рангларда ифодалаб берилган бўлса, Самарқанд, Бухоро, Хива манзаралари ўзига хос моҳирлик билан акс эттирилган.

Элбек ЖУМАНОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ҚУРИЛИШБОП ХОМАШЁ

Қумқўрғон туманидаги "Ғишт" кўп тармоқли хусусий корхонасида "Эко энергия" илмий ишлаб чиқариш маркази ходимлари томонидан ихтиро қилинган янги қурилма фойдаланишга топширилди.

Қурилма икки босқичда ишлайди. Биринчи босқичда 50х50 см ўлчамдаги қолип ичига картон, сўнгра плёнка ёйилиб, уларнинг устига қамиш ёки лух қаламчалари териб қўйилади. Иккинчи босқичда қолип 30-35 дақиқа давомида 130-135 даража иссиқ босим остида қиздирилади. Юқори даража таъсирида плёнка эриб, қалин қоғоз ва қамиш қаламчаларини бирлаштиради ва 50х50 см ўлчамдаги мустаҳкам маҳсулот тайёр бўлади. Ундан шийпонларнинг усти, ён томонлари ва полини қуришда фойдаланиш мумкин.

Даврон ОРИПОВ,
"Hurriyat" мухбири.

АЙТГАНЧА

ОШКОР БЎЛГАН СИР

От — йигитнинг йўлдоши

Лондон, Вашингтон каби улкан шаҳарларда бўлсангиз, от минган суворийларга дуч келишингиз мумкин. XXI асрнинг мўъжизаси бўлган турли русумдаги машиналарга тўла кўчаларда юрган одамлар бу жониворларга музей экспонатига қарагандай ҳайратланиб боқишади.

Ўзимизда от азалдан йигитнинг кўрки саналади. Айниқса, халқ оғзаки ижодида от образи алоҳида меҳр билан тилга олинган. Ҳатто у ҳақда бир нечта ривоятлар ҳам бор. Айтишларича, бир киши ярим тунда от миниб узоқроқ қишлоқда яшайдиган қариндошини йўқлаб бораётган экан, ярим йўлда жонивор таққа тўхтабди. Йўловчи қанча "Чўҳ-чўҳ" демасин от жойидан жилмабди. Шунда бояги киши эгардан тушиб, йўлга разм солиб қараса, йўргакланган бир чақалоқ ерда ётган эмиш.

Ҳақиқатан ҳам от босаётган қадамини билади, одам тафтини сезади, яхшиликка мойил бўлади. Яна бир мисол. "Гўрўғли" достонида бироз мизғиб олиш ниятида эгардан тушган, аммо узоқ ухлаб қолган эгасини кўз ёшлари билан уйғотган от тасвирланган. Бунда жонивор чавандозни ғолибликка ундаган. Бу ҳам аслида халқимизнинг отларга бўлган беқиёс муҳаббати ифодасидир. Зотан, ўзбекларда от қадим-қадимдан инсоннинг ҳамнафас дўсти ҳисобланади.

Маржона ТУРСУНОВА

(Бошланиши 1-бетда.)

Директор И.Абдураҳмонов ҳужжатларнинг қалбаки эканини, улар бухгалтерияда рўйхатга олиш журналига қайд қилинмаганини билса-да, озиқ-овқат маҳсулотларини ўзлаштириш мақсадида ишончномаларга муҳр ва тамға босиб бераверди.

Ҳамтовоқлар ўзлари "кашф" қилган мана шу иш услубига асосан турли савдо ташкилотлари ва корхоналаридан жами 29 миллион 730 минг 100 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини олиб, бу неъматларни белгиланган тартибда мактаб-интернатга кирим қилмасдан ва харажатга чиқармасдан тергов жараёнида аниқлаш имконияти бўлмаган шахсларга соттириб юборганлар ва пулларни чўнтакларига уришган. Қонун тили билан айтганда, директор, омбор мудири ва бош ҳисобчи давлат ва ўзгаларнинг жуда кўп миқдордаги маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишган. Бу ишда, албатта, мактаб директори И.Абдураҳмонов асосий роль ўйнаган.

Келинг, гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан аниқланган баъзи мисолларни ҳукмингизга ҳавола қилайлик. Омбор мудири У.Ражабовнинг суддаги иқрорномасидан кўчирмалар келтирамиз:

"Айрим пайтларда директор И.Абдураҳмонов ўзи машинада бориб, озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келарди. Ишонч хатлари ва юк олинадиган ҳужжатларга имзо чекиб бераверардим. Баъзан бу ишни бош ҳисобчи вазифасини бажарувчи ва кейинчалик ёрдамчи ҳисобчи лавозимида ишлаган Ҳ.Аҳмедова бажарарди. У ишончномаларни тайёр қилгач, директор имзосини ҳам қўйиб берарди. Масалан, шу йўл билан 2007 йил октябрь ойида "Хоразмбалиқ" корхонасидан 500 килограммдан кўпроқ балиқ маҳсулотлари олганмиз. Бу маҳсулотлар мактаб-интернатнинг ошхонасидаги таомномада кўрсатилмас, харажатга ҳам чиқарилмасди. Директор айрим пайтлари омборхонадан ўзига керак бўлган маҳсулотларни олиб, эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган".

Жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар суди айбдорларга тегишли жазо тайинлади. Шундай қилиб, ёшларга ҳалоллик, диёнат ва инсофдан сабоқ бериб, ўзлари бунинг тескарисини қилган бир гуруҳ ҳамтовоқларнинг кирдикорлари фош бўлиб, сирлари очилди.

Шундан кейин бу билим даргоҳида барча ишлар ўнгланиб кетгандир, деб ўйларсиз. Афсуски, ундай эмас. Тўғри, мактаб-интернатга янги раҳбар тайинланди. Кадрлар таркибида ўзгаришлар рўй берди. Аммо ҳали ҳам бу масканда кадрлар қўнимсизлиги давом этмоқда. Янги раҳбар айрим нуқсон ва камчиликлар билан муроса қилиб келаяпти. Тарбияланувчиларнинг машғулотларда тўла-тўкис қатнашмаётгани маълум бўлди. Ҳатто дарсларга қатнашмаган ўқувчиларга ҳам фанлар бўйича баҳолар қўйилганини қандай изоҳлаш мумкин?! Янги йил арафасида — совуқ забтига олган бир паллада иситиш тизимини таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

— Мен бу лавозимга тайинланганимда аҳвол жуда ёмон эди, — дейди мактаб-интернатнинг янги раҳбари Гавҳар Йўлдошева. — Мана, водопровод тизимини таъмирладик. Иситиш тизими яхши йўлга қўйилди.

Аммо ҳали таълим муассасасида қилинадиган ишлар кўп. Юқорида таъкидланганидек, жиддий нуқсонларни тезда бартараф этиш, таълим-тарбия ишлари самарадорлиги ва сифатини янада юксак савияга кўтариш билан бирга маънавий-маърифий масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу борада вилоят халқ таълими бошқармаси, шаҳар халқ таълими бўлими мутасаддилари билим масканига амалий ёрдам кўрсатишлари даркор эмасми?

Тузалбой РАҲИМБОЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

ҲУҚУҚ

Инсон азиз, ҳаёти дахлсиз

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг дастлабки босқичидаёқ инсон ҳуқуқлари устуворлиги тамойилларига таянилиб, миллий ҳуқуқий тизим барпо этилди. Инсон манфаатлари ислоҳотлар стратегиясининг асоси сифатида белгиланди. Республикамизда демократия умуминсоний принципларга асосланиши, унга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқлари дахлсиз экани эътироф этилиб, Конституциямизда мустаҳкамланди.

Масалан, Бош қомусимизнинг 24-,25-,26-моддалари мазмун-моҳияти яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи экани, ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгалигини, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслигини таъкидлайди.

Юртбошимиз жамиятни демократлаштириш ҳамда янгилаш йўлидаги ҳаракатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва бу борада амалга оширган ижобий ишларни қатъият билан давом эттириш лозимлигини, бу мақсадларни амалга оширишда барча ислоҳотлар самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили эканини алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Шубҳасиз айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги Фармони тарихий аҳамиятга эга бўлиб, халқаро ҳамжамият томонидан катта эътибор билан қарши олинди. Конституциямизда муҳрланганидек, яшаш ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Шу маънода мазкур Фармон мамлакатимизда инсон ҳуқуқи олий қадрият даражасига кўтарилишининг амалдаги ифодаси бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилнинг декабрь ойида "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи факультатив Протоколга (Нью-Йорк, 1989 йил 15 декабрь) қўшилиши ҳақида"ги Қонунининг маъқулланиши ҳам ислоҳотларнинг мантиқий давомидир.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 6-моддаси биринчи қисмида қайд этилишича, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқи ҳисобланади. Бу ҳуқуқ қонун билан ҳимояланади. Ҳеч ким инсонни яшашдан маҳрум қила олмайди.

Жамиятимизда олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад ва вазифалар, аввало, ўлим жазосини бекор қилишнинг халқаро ҳуқуқий механизмини шакллантиришдан иборат. Ўз навбатида Халқаро амнистия ташкилоти ҳам Ўзбекистонда 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосининг бекор қилинганини қўллаб-қувватлаб, ушбу шафқатсиз ва ғайриқонуний жазони қўллашни бутун дунёда тақиқлаш йўлида яна бир муҳим қадам бўлганини қайд этди.

Халқаро ташкилотларнинг маълумотларига кўра, ҳозир ҳам дунёнинг юзга яқин давлатларида ўлим жазоси қонунчиликда ёки амалиётда бекор қилинган бўлса, 62 та мамлакатда ҳамон амал қилаётир. Хусусан, АҚШ, Россия, Ҳиндистон ҳамда Хитой каби энг йирик давлатлар шулар жумласидан. Биргина мисол. 2006 йил давомида 25 та давлатда 1591 маҳкум қатл қилинган бўлиб, уларнинг 91 фоизи Хитой, Эрон, Покистон, Ироқ, Судан ва АҚШ ҳисобига тўғри келади. Ўлим жазоси энг кўп қўлланилган мамлакатлар сирасига АҚШ ва Хитойни киритиш мумкин. Масалан, 2007 йилнинг ўзида биргина АҚШда 1252 нафар киши ўлим жазосига ҳукм қилинган. Бундан ташқари Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Индонезия ва Сингапур каби либерал демократия йўлини танлаган ривожланган мамлакатларда ҳам ўлим жазоси ҳамон қўлланилмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар, жумладан, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 15 декабрда қабул қилинган "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт" ҳисобланган халқаро ҳужжатнинг ратификация қилиниши инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг олий қадрият сифатида ҳурмат қилинишининг исботи десак, муболаға бўлмайди.

Шерали ҚОДИРОВ,
Тошкент давлат юридик институти талабаси.

ФАОЛИЯТ

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЭНГ ЯХШИ ЛОЙИҲАЛАРГА АЖРАТИЛМОҚДА

буни ТИФ Миллий банкнинг Жиззах вилоят бўлими мисолида ҳам кўриш мумкин

Кези келганда хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларидан "Банкни танлашда асосан нималарга эътибор берасизлар?" деб сўрасангиз, "Албатта, банкнинг иқтисодий барқувватлиги ва ходимларининг хушмуомалалигига", деб жавоб беришади. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг Жиззах вилоят бўлими ҳам мижозларнинг ҳар томонлама ишончини оқлаб бораётган молиявий муассасалардан бири ҳисобланади.

Айни пайтда бу ерда 73 минг 777 та мижозга сифатли молиявий хизмат кўрсатилмоқда. Энг муҳими, мижозлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Банк фаолияти давомида хориждан молия институтларининг инвестицияларини мамлакатимизга олиб киришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жамоа орқали кейинги пайтда 4 миллион 270 минг АҚШ долларидан ортиқ миқдордаги сармоя киритилганлиги ҳам фикримизнинг далилидир. Хусусан, Осиё Тикланиш ва тараққиёт банки орқали 502 минг 521 АҚШ доллари, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки орқали 2 миллион 579 минг 765 АҚШ доллари, ОПЕК кредит линияси орқали 869 минг 800 доллар, Халқаро молия корпорацияси орқали эса умумий қиймати 324 минг АҚШ доллари киритилиб, ҳаммаси бўлиб 7 та лойиҳа молиялаштирилди.

Банкнинг ўтган йилги фаолиятини таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, инвестициялар энг намунали лойиҳаларга ажратилаётгани маълум бўлади. Ҳаммаси бўлиб мижозларга 3 миллиард 402 миллион 464 минг сўм миқдорида инвестиция маблағлари берилган. Молиявий муассаса халқ хўжалигининг барча тармоқларига хизмат кўрсатмоқда. Масалан, кредитлар қишлоқ хўжалиги, қурилиш, саноат ва бошқа соҳаларга йўналтирилгани ҳам фикримизга далил бўла олади. Бу ҳам банкнинг вилоят халқ хўжалигининг барча тармоқларини қамраб олаётганлигидан далолат беради.

Кредит олиб иқтисодиётини мустаҳкамлаб, хориждан замонавий технологиялар олиб келиб, импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналар сони кўпайиб бормоқда. Энг асосийси, улар аҳоли учун зарур бўлган товарларни тайёрламоқда. Масалан, бундай жамоалар жумласига Дўстлик туманидаги чигитдан пахта ёғи ишлаб чиқарадиган "Эл-эрк-нур" қўшма корхонаси, Пахтакор туманидаги шифобахш ўсимликлардан хориж технологияси асосида ёғ тайёрлайдиган "Семурғ" фермер хўжалиги, ун маҳсулоти ишлаб чиқарадиган Мирзачўл туманидаги "Галаба дон" хусусий корхонаси ва Зарбдор туманидаги "Элдор-1" фермер хўжалиги, Жиззах шаҳридаги полиэтилен қувурлар тайёрлайдиган "Жиззах ЛРС ПЛАСТ" Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси, Мирзачўл туманидаги маъданли сув ишлаб чиқарадиган "Гагарин маъданли суви" хусусий корхонаси, колбаса, нон ва қандолат маҳсулотлари тайёрлайдиган "Умид" корхонаси ва бошқаларни киритиш мумкин.

Жиззах шаҳридаги "Росгазсервис" Ўзбекистон — Бирлашган Араб Амирлиги қўшма корхонаси банк кредитлари ҳисобига фаолиятини йилдан-йилга кенгайтириб бормоқда. Корхона асосан автомобилларга газ қуйиш билан шуғулланади. Жамоа сифатли хизмат кўрсатаётгани боис унинг нуфузи ошиб бораяпти. Корхона банкнинг иқтисодиёти мустаҳкам мижозларидан ҳисобланади. Ҳозир унга Хитой тараққиёт банки кредит линияси орқали 500 минг АҚШ доллари миқдорида узоқ муддатли кредит ажратиш кўзда тутилмоқда.



— Банк хизматидан мамнунмиз, — дейди қўшма корхона раҳбари Фурқат Каримов. — Молиявий муассаса бизга нафақат кредит ажратади, балки турли хил молиявий маслаҳатлар ҳам беради. Ажратилаётган кредит ёрдамида фаолиятимизни тобора кенгайтириб, газ қуйиш шохобчаларимизда жаҳон андозалари даражасида шароит яратдик. Мақсадимиз аҳолининг эҳтиёжини қондириб, хизмат сифатини яхшилаб боришдир. Банк кўмаги натижасида ўнлаб иш ўринлари яратилди.

Молиявий муассаса фаолиятида Президентимиз фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан ўнлаб оилаларга кредит ажратилиб, уй-жой билан таъминланди. Ҳозиргача шу мақсадда ажратилган ипотека кредитлари 167,8 миллион сўмни, шунингдек, истеъмол кредитлари 77,9 миллион сўмни, микрокредитлар эса 190,2 миллион сўмни ташкил қилади. Айни пайтда банк



чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан юзлаб оилалар қорамол харид қилиш имконига эга бўлди. Натижада уларнинг оиласига барака кирди. Соғин сигирли бўлган хонадонлар сут ва қатиқ билан таъминланди.

— Фаолиятимизда Президентимиз фармонлари ва ҳукуматимиз қарорлари дастуриламал бўлмоқда, — дейди банкнинг вилоят бўлими бошқарувчиси Рустам Маматқулов. — Биз кўрсатилаётган молиявий хизматнинг сифатини ошириш ва хизмат турини янада кўпайтиришни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу борада мунтазам равишда аҳоли талаби, шунингдек, мижозларимизнинг таклиф ва истаклари асосида иш юритмоқдамиз. Бу албатта, ишимизда ёрдам бераяпти. Бирор юмуш билан келган ҳар бир фуқарога ёрдам берамиз.

Банкнинг вилоят иқтисодиётида алоҳида ўрни бор. Боиси унинг мижозлари халқ хўжалигининг деярли барча соҳаларида фаолият юритиб, сифатли ва харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқармоқда. Бу ички бозорни тўлдиришга имконият яратмоқда. Натижада вилоят аҳолисининг ўзига зарур бўлган товарларни харид қилиши учун пойтахтимиз ёки бошқа вилоятларга боришига эҳтиёж қолмаяпти.

Молиявий муассаса қишлоқ хўжалиги соҳасини молиявий қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, ҳар ёрдамида уй олган ёки рўзғори учун зарур буюмларни харид қилган ёш оилалар мамлакатимиз раҳбарининг бундай ғамхўрлигидан бениҳоя хурсанд бўлишмоқда.

Шунингдек, мамлакатимиз Президентининг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида йили пойтахтимизда бўлиб ўтадиган хориждаги нуфузли компания ва фирмаларнинг аграр тармоқ техника ва технологиялари намойиш этиладиган кўргазма савдосида иштирок этган 42 та фермерга техника харид қилиш учун 1 миллиард 154,4 миллион сўм, 7 фермерга мини технология олиш учун 903 миллион 400 минг сўм ажратди. Пировардида фермерларнинг мўл ҳосил етиштиришдаги имконияти кўпайди. Шу билан бирга замонавий иссиқхоналар қуриб, қиш мавсумида ҳам аҳолини ёз неъматлари билан таъминлаш учун 29 тадбиркорлик субъектига 487 миллион сўм, паррандачиликни ривожлантириш учун 2 та хўжалик субъектига 38 миллион сўм кредит ажратилди.

Молиявий муассасада аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Омонатга пул қўйган фуқаролар эса катта даромад олишаяпти. Хусусан, ўтган йил давомида 2008,5 миллион сўм, хорижий валютада 329,4 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар омонатларга қўйилди.

Молиявий муассаса хизмат турлари сонини кўпайтириб, фуқароларга жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Кўрсатилаётган хизмат турлари эса ортиб бораяпти. Хусусан, "Вестерн юнион" тизими орқали пул ўтказиш мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин. Одамлар дунёнинг исталган ҳудудига пул юбориши ёки пул қабул қилиб олиши мумкин. Масалан, фуқаролар томонидан ўтган йили 1 миллион 184,5 минг доллар жўнатилиб, хориждан 5 миллион 919 минг доллардан ортиқ маблағ қабул қилиб олингани ҳам фикримизнинг далилидир.

Бир сўз билан айтганда, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг Жиззах вилоят бўлими жамоаси ўз фаолияти билан нафақат мижозларини, балки аҳолининг кенг қатламини қамраб олишга ҳаракат қилаяпти. Бундай саъй-ҳаракатлар албатта, ўз самарасини бераяпти. Буни, аввало, фуқароларнинг банкка бўлган ишончида ва молиявий муассасанинг вилоят иқтисодиётини мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссасида яққол намоён бўлаяпти.

Ҳосил КАРИМОВ ®

Таҳририятга хатлар

РАҲИМ БОБОНИНГ НИЯТИ

Ўтган йили қарийб 350 миллион сўм маблағ ҳисобига таъмирланган мактабимизни, "Тарих ва бугун" деб номланган музейимиз, чиройли жиҳозланган синфхоналаримиз, спорт залини кўрган 94 ёшли Раҳим бобо Ражаповнинг кўзларига ёш келди.

— Бундай кошоналар бизнинг замонамизда энг бадавлат кишиларда ҳам бўлмаган, минг бора шукр, давлатимиз бой бўлибди, шундай ҳашаматли мактаблар қурибди, биз кўрмаганни невараларимиз кўрмоқдалар. Энди буларнинг барчасини аъло ўқиш билан оқлаш керак, — деди отахон фахр билан.

Зеваржон СОБИРОВА,
Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги 37-ихтисослаштирилган мактаб директори.

НУРОНИЙЛАР ТАШАББУСИ

Ўлкамизда баҳор жанубдан, Сурхондан бошланади. Ҳозир Сурхондарёда бодомлар гуллай деб қолди, ўриклар куртак отди. Деҳқон ва боғбонлар ҳам ишга тушди. Улар дарахт ва токларни буташ, кесиш, ариқ-зовурларни тозалаш, тартибга келтириш юмушлари ила банд. Хусусан, кўчат ўтказишга катта эътибор берилаяпти. Куни кеча воҳа нуронийлари катта ташаббус билан чиқишди. Яқинлашиб келаётган Наврўз байрами муносабати билан нуронийлар ва Термиз шаҳридаги корхона, ташкилот, муассасалар вакиллари вилоят ҳокими Туробжон Жўраев бошчилигида умумхалқ ҳашарига чиқишди. 50 минг туп кўчат ўтказишга аҳд қилишди. Ҳаким ат-Термизий тарихий ёдгорлиги атрофида қўқаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Бир кунда 10 минг тупга яқин мевали, манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Муҳаммад АЗИМОВ,
Сурхондарё вилояти.

БИРИНЧИ СЕЙСМОГРАФ

Милоднинг 132 йили хитойлик астроном Чжан Хэн илк бор ер силкинишини аниқлайдиган асбоб яратади. У диаметри икки метр келадиган каттагина бронза идишдан иборат бўлиб, сиртига саккизта аждаҳо боши жойлаштирилган. Зилзила қайси тарафда содир бўлган бўлса, ўша томондаги маятникка тортилган аждаҳо оғзидан отилиб чиққан шар идиш тагидаги оғзи очиқ саккизта бақадан бирининг ичига келиб тушади. Бу асбоб 6000 километргача бўлган масофадаги ер ости силкинишини ҳам пайқай олган.

Гўзал МУРОДОВА,
Тошкент шаҳри.

ТЎЙ АЗАГА АЙЛАНДИ

Хўжайли туманидаги "Найман" овул фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи Мансур Полвонов ўтган йил ёзда тўй қилди. Меҳмон бўлиб келган Фарҳод Хўжамуротов маст ҳолда У.Таганбоев, Р.Кўчқоров, З.Алламбергеновлар билан жанжаллашиб қолади. Кейин яқин танишининг ов милтиғини олиб келиб, уларга қарата икки марта ўқ узади. У.Таганбоев ўша заҳоти жон таслим қилган бўлса, бошқалари ҳар хил даражадаги тан жароҳатини олишган.

Тўйни азага айлантирган зўравон Ф.Хўжамуротов суд ҳукми билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Ёқубжон ҒОЙИБОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси.

ДАРСЛИК ЎҚУВЧИ ЁШИГА МОС БЎЛСА...

Бошланғич синфлар учун яратилажак янги дарсликларга киритиладиган ҳикоялар, шеърлар 7-10 яшар боланинг ҳис-туйғулари, руҳий кечинмалари, орзу-ўйларига яқин бўлиши керак. Уни ўқитганда ўқувчи ҳикоя қаҳрамонларига қўшилиб олижаноб ва эзгу мақсадлар сари интила олсин. Шунда ёшларимизнинг ахлоқий тарбияси ҳақидаги ташвишларимиз сал камайиб, кўнгилларимиз таскин топади.

Турсунали ЮСУПОВ,
Фарғона вилояти.

ЖАРАЁН

ЭЪТИРОФ

Ғиждувон — тадбиркорлар юрти

Бухоро вилоятининг Ғиждувон тумани савдогар-у, ҳунармандлар юрти ҳисобланади. Азалдан ҳунармандчилик ривож топган бу ҳудудда ота-боболарининг ишларини муваффақиятли давом эттираётган ёшлар ҳам талайгина. Улар ясаётган эшик, ром ва бешиклар нафақат Бухорода, балки Навоий, Самарқанд ва Қашқадарё каби қўшни вилоятларда ҳам ўз харидорларига эга.

"Позагари" қишлоқ фуқаролар йиғинида ўн мингдан зиёд турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек ҳамжиҳатликда умргузаронлик қилишмоқда.

— Яқинда "Исо Муҳаммад Замини" ва "Ражаб бобо" фермер хўжаликларининг ёрдами билан 3 та кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйини ўтказдик, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Худоёров. — Ҳозир ҳудудимизда 2 та умумтаълим мактаби, 4 та болалар боғчаси ва 3 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда. Шуниси эътиборлики, қишлоқ дўконларида пластик карточкалар билан ҳам савдо қилинмоқда. Этикдўзлик, сартарошхона, гўзаллик салони, умумий овқатланиш шохобчалари ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш каби маиший-сервис хизматлари йўлга қўйилган. Айни пайтда Додарак ва Пингон қишлоқларидаги йўлларни асфальтлаш ҳамда битта маҳаллага ичимлик суви келтириш устида иш олиб бораяпмиз.

Ўтган йил туманнинг «Жуйработ» қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчилар учун ҳам омадли келди. 450 ўринга мўлжалланган замонавий, кўркам, жаҳон андозалари даражасида жиҳозланган Қурилиш ва сервис касб-ҳунар коллежи ҳамда умумтаълим мактаби фойдаланишга топширилди.



— Ҳудудимизда 2 нафар 100 ёшдан ошган нуроний, 12 нафар иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси ҳамда ўнга яқин Афғонистон уруши ва Чернобиль АЭСларида иштирок этган кишилар истиқомат қилишмоқда, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини котиби Улуғбек Мерганов. — Улар доимо эътиборимизда. Бундан ташқари, ҳар йили тадбиркорлар кўмагида кам таъминланган оилалар фарзандларига байрам совғалари улашиб келинмоқда. Қарийб бутун маҳалла аҳли табиий газ ва ичимлик суви билан таъминланган.

Айниқса, маҳаллаларимизда касаначилик ривожланиб бораётгани қувонарли ҳолдир. Тадбиркорлар турли хилдаги мини технологияларни келтирмоқдалар. Чорвачилик, паррандачилик, ҳунармандчилик тараққий этмоқда. Қад ростлаётган шинам ҳовлилар, замонавий услубда қурилаётган дўконлар, муҳташам тўйхоналарни кўриб кўзингиз қувонади, дилингиз яйрайди. Хуллас, бу ердаги шароит шаҳардагидан асло қолишмайди.

Ислом СУЛТОНОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ХОРАЗМ АТАМАСИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

ҲУДУДИЙ НАШРЛАРДА

Хоразм атамаси зардуштийларнинг муқаддас китоби "Авесто"да "Хуваризам", қадимги форс тили ёзувларида "Хуваризми", милоддан қарийб 6 аср муқаддам ижод этган милетлик Гекатей асарида "Хорасмия" шаклида қайд қилинган.

Кўпгина олимлар Хоразм сўзи 2 таркибий қисмдан иборат деб ҳисоблаб турлича изоҳлашади. Бу номнинг 2-қисми (зми, зим, замнингер) — ўлка, жой деган маънони англатади. Лекин (хвар,хор) компаненти анча тортишувга сабаб бўлиб келган: баъзи бировлар уни "унумли жой" деб изоҳласа, бошқалар "ёмон жой", яна бировлар эса "пастлик ер" дея тушунтиришади. Хоразм 3 таркибий қисмдан иборат хувар (вара)-зим. Вар-вара дегани эронча "девор", "қалъа", "қора" деган маънони билдиради, зим эса ўлка, ер дегани, ху — яхши демакдир.

Атамашунос олим З.Дўсимов эса Хоразм атамасига янги талқин бериб "Ажойиб қалъалар диёри", "Мустаҳкам қўрғонлар истеҳкоми" деган фикрни илгари сурмоқда. Аммо шу аниқки, Хоразм қачон, қаерда нима деб талқин қилинмасин, у барибир сирли ва сеҳрли диёр бўлиб қолаверади.

Ёдгора АБДУЛЛАЕВА,
"Хива тонги" (Хоразм),
15. 01. 2009 йил.

ИСТЕЪМОЛЧИ НЕГА НОРОЗИ?

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг истеъмол маданиятини юксалтириш, хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш — давр талаби.

Қарши шаҳрининг Қавали кўчаси, 32-уйда яшовчи Г.Алимова аризасида Қарши буюм бозори ҳудудида савдо қилувчи якка тартибдаги тадбиркор Н.Рашидовдан 160000 сўмга аёллар пальтосини сотиб олгани, лекин кийимнинг нуқсони борлиги сабабли алмаштириш учун олиб борганда, сотувчи бундан бош тортганини ёзган. Мурожаат вақтида ўрганилиб, амалдаги қонун талабига мувофиқ, пальто сотиб олиш учун тўланган пул аризачига қайтарилди.

Қарши шаҳридаги "Камалак", "Хонадон истиқболи", "Ватанпарвар", "Манзилобод", "Туркистон", "Чилонзор" уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан кўп қаватли турар-жойларни жорий таъмирлаш бўйича 5409 минг сўмлик иш бажарилмай қолинганлиги аниқланиб, амалга оширилмаган юмушлар қайтадан ниҳоясига етказилди.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шу маънода мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқи қонун билан ҳимоя қилинганини ҳисобга олиб, ҳар биримиз ўз ҳуқуқларимизни билсак асло зиён қилмайди. Шунингдек, ҳар бир киши ўз бурчини виждонан адо этса, муаммолар секин-аста ўз ечимини топиб бораверади.

И.ҲИКМАТОВ,
"Насаф" (Қашқадарё),
29.01. 2009 йил.

ЭКОЛОГИЯ ВА ТАРБИЯ

Болалар атроф-муҳитни кузатар экан, энг аввало, "Бу нима?" деган савол туғилиши табиий. Уларни энг кўп қизиқтирадиган бу табиат ва ундаги ҳодисалар ҳисобланади. Боғча шароитида болаларни табиат билан таништириш йил фаслларига боғлиқ равишда амалга оширилади. Шундай экан, табиатнинг бир манзарасини йилнинг тўрт фаслида кузатиш жараёнида болаларга нима учун куз, қиш, баҳор, ёз бўлишини тушунтириш катта аҳмиятга эга.

Оддий бир мисол. Синфхонада гуллар бор. Уларни парвариш қилиш болаларга топширилиб, ҳар бир гулга уни парвариш қилган қиз ёки ўғилнинг исми ёзиб қўйилса, қандай яхши бўлади. Тарбиячи ҳар куни болаларга гулни кўрсатиб, "Қаранглар, Наргизанинг марварид гули ўзига ўхшаб ҳар куни очилиб-сочилиб, барглари яшил бўлиб бораётир", деса, биласизми, бунинг Наргиза учун қанчалик тарбиявий аҳамияти бор? У тарбиячининг бу сўзларини эшитганида, бошқа тенгдошларига билинтирмай беихтиёр яйраб, бир жилмайиб қўяди.

Болаларни боғчада тарбиялар эканмиз, "у ҳеч нарсани билмайди", "у ҳали ёш", "у ҳали бу нарсаларнинг фарқига бормайди", дея ўйлаш хатодир. Бола организми у туғилган кунданоқ шаклланиб боради. Фақат ҳамма болаларнинг имкониятлари, организмининг физиологик ҳолати ҳар хил эканини ҳисобга олишимиз керак.

Насибахон АБДУРАЗЗОҚОВА,
"Асака ҳаёти", (Андижон),
16.01. 2009 йил.

ҲА-ЁТ!

Орияти йиғлаган бола

Қўшнимизнинг учинчи ўғли футбол ишқибози. Коллеждаги ўқишидан, уй ишларидан бўшади дегунча ўртоқлари билан футбол ўйнагани кетади. 5-6 синфда ўқийдиган маҳалла болаларидан иборат жамоа ҳам тузиб олган. Болалар эрта-ю, кеч унинг ортидан чувиллашиб юргани-юрган. Футбол ўйини бериладиган пайтларда телевизор қаршисида "михланади". Борди-ю, "Пахтакор" жамоаси ютса, қувончидан бутун маҳаллани бошига кўтаргудай қийқиради. Қўл остидаги болаларни музқаймоқ билан сийлайди. Ютқазиб қўйса, бир-икки кун қовоғи очилмай, ҳеч ким билан гаплашмайди. Хуллас, хаёлида фақат футбол. "Пахтакор"нинг резерв жамоасига бориб, машғулотларга аралашиб юраркан, бирда оёғини, бирда қўлини синдириб, касалхонада ҳам ётиб чиқди.

Яқинда ана шундай жонбозлик кўрсатадиган "футболчи"нинг шаштини синдиришди. Маълум бўлишича, икки маҳалланинг футбол жамоаси ўзаро куч синашиб, қўшнимнинг ўғли ўйнайдиган жамоа ғолиб чиқибди. Ҳомийлар ваъдаси бўйича ғолиб жамоа Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёҳатга олиб борилиши режалаштирилган экан. Қарши жамоадаги бир ўйинчининг отаси каттароқ жойда ишлашидан фойдаланиб, ишни ютқазганлар фойдасига ҳал қилган.

— Жон, келинойи, газетада ишлайсиз-ку, такрор ўйин уюштиришга ёрдам беринг, — дея йиғлагудек ўтинди бола тушмагур. — Кўрасиз, албатта ютамиз. Самарқанд билан Бухорога бориш учун айтаётганим йўқ бу гапни. Менга катта одамларнинг ёлғон гапиришлари алам қилаяпти, холос. Бўлаётган воқеалардан мураббийимиз ҳам ҳайрон.

Унинг кўнгил оғриқлари менга ҳам кўчгандай бўлади-ю, дадда бера бошлайман: — Ўзинг ақлли боласан-ку, бугун ютқазсанг, эртага ютасан. Шунга шунчами?

Гапира туриб, унинг кўзларидан "Гапириб нима қилдима, сиз ҳам ўшаларнинг бири экансиз", — деган маънони уқаман-у, бошқача оҳангга кўчаман.

— Сен эндигина биринчи зарба азобини тортмоқдасан. Унутмагинки, ҳаёт дегани курашлардан иборат. Ўтган кун ўтди, эртани ўйлашинг керак. Ҳаётда иродали, бошлаган ишини охирига етказадиганларгина ютади, укдингми?

У гапларимга кўнгандек бўлиб, синиққина жилмаяди. Менинг эса, негадир кўнглим оғрийди...

Гулчехра ЙЎЛДОШЕВА

Ҳусан Содиқов чизган сурат.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

Оқибатга дарз кетмасин

— Ўртамиздаги совуқчилик, можаролар онам вафот этгандан сўнг бошланди, — деб ёзади Гулҳаё таҳририятга йўллаган мактубида. — Бир куни меҳмондорчиликдан қайтсам, Фарғона шаҳрининг Хўжанд кўчасидаги 27-уйимизнинг эшиги ичкаридан беркитилган экан. Буюмларим эшикдан ташқарига чиқариб қўйилган. Ҳайрон бўлиб, ҳовли қўнғироғининг тугмачасини босдим. Гўзалхон опам эшикни очиш ўрнига мени ҳақоратлади. Қўлимда гўдагим билан қайга боришни билмай, маҳалла оқсоқолига учрадим.

— Бу уйда ҳақинг йўқ, масалани суд ҳал қилади, — дея опам мени уйга киритмади. У туғилганлик ҳақидаги гувоҳномамни сохталаштириб олганликда айблаб, мени судга берган экан. Бир ойдан сўнг суд бўлди. Унгача мен ёш болам билан сарсон-саргардон бўлиб, кўни-кўшни, таниш-билишларникида ижарада яшаб юрдим. Суд менга қўйилган айбни рад этди. Лекин уй масаласи кўрилмади. Рўйхатга олинган қонуний уйим бўла туриб, саргардонлик яна тўрт ой давом этди. Бу ноҳақликларга чек қўйиш учун адвокат топиб, мен ҳам судга мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Бу орада маҳалла раиси, ИИБ бўлими профилактика нозири ва адвокат билан бирга опамга учраб, муроса қилишга қанча ҳаракат қилмай, уни кўндиролмадим. Боз устига опамнинг адвокати ўртага тушиб "Сен боқиб олингансан", деб мени ранжитди.

Опам адвокати билан Фарғона туманлараро суди чиқарган қарордан норози бўлиб, вилоят судига мурожаат қилди. Вилоят судининг мутахассислари эса биз илгари сурган даъвони чуқур ўрганмади.

Ҳамрохон Ҳожираҳматова Гулҳаёни ўзига фарзандликка ўтказишда шаҳар ҳокимлиги ва унинг комиссиясига ариза бермаган, деган важ билан биринчи инстанция суд ҳукмини бекор қилди. Мен бундан норози бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят суди раисига ариза ёздим. Фарғона шаҳар ҳокимлигида онам Ҳ.Ҳожираҳматованинг мени фарзанд қилиб олишига розилик беришни сўраб ёзган аризаси ва уни қаноатлантириш юзасидан чиқарилган қарор топилди...

Гулҳаёнинг шикоятини опаси Гўзалхонга ўқитдик. "Мен бунинг матбуотга чиқарилишига мутлақо қаршиман," деди у. Бу жавоб табиий эди. Чунки у ўз хатосини тан олишни истамасди. Қолаверса, бизни Гўзалхоннинг бу масалага бошқача муносабати таажжублантирди.

Бу дунё бир кам дунё экан. Раҳматлик Ҳамрохон опа малакали шифокор сифатида вилоятда шуҳрат қозониб, ўз меҳнати билан обрў қозонганди. Тошлоқ, Қувасой, Фарғонадаги шифохоналарда ишлаб, 15 йил вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасини бошқарди. Вилоят кенгашининг депутати сифатида ҳам жамиятда иззат-ҳурматга эга бўлди. Аммо унга фарзанд кўришдек бахт насиб этмаган экан. У қариндош-уруғлари билан кенгашиб, фарзанд асраб олишга қарор қилди. Бу йўлда биринчи қадам сифатида 1986 йил ўз опаси Раҳиманинг қизи Гўзалхонни фарзандликка олиб расмийлаштирди, унга Ҳожираҳматова фамилияси берилди.

Ҳамрохон опа кундалик муносабатларда Гўзал барибир ўзи туғилган хонадонга интилаётганини сезарди. Ўзига бутун вужуди билан шу хонадонга меҳр қўядиган фарзанд кераклиги ҳақида ўйлай бошлади. Уни Фарғона шаҳар болалар уйига боришга ундаган туйғу аслида шу бўлган бўлса, ажабмас. Меҳрибонлик уйи раҳбари Раънохон Давидбоевага юрагидаги орзу ва ҳасратни очиқ баён қилди. Улар бир-бирини тўғри тушунишди. Гулҳаё ҳам шу тариқа Ҳамрохон Ҳожираҳматованинг қизи сифатида расмийлаштирилди.

Ноқобил фарзандларгина бойлик турганда ота-онасини ҳам танимай қолишади. Аслида Гўзалхон обрўли оиланинг келини, ҳеч нарсадан камчилиги йўқ. Лекин нима сабабдан ўз синглиси билан мерос талашиб, элюрт ўртасидаги обрў-эътиборини йўқотаётганига ҳамма таажжубда. Наҳотки, онасидан қолган шу ҳовли унинг келажаги, ҳаётини, тақдирини ҳал қиладиган даражада муҳим бўлса? Агар онаси — Ҳамрохон Ҳожираҳматова опа-сингилнинг мерос талашиб оила шаънига доғ тушираётганини кўрганда эди: "Сизларни шу мақсадда ўстирганмидим", дея ранжиган бўларди. Ҳали ҳам кеч эмас. Ўртада ўтган гина-кудуратни унутиб, опа-сингиллар ярашиб олишса, яхши иш бўларди. Оналарининг руҳи ором топарди. Айни пайтда фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят суди ҳам вазиятни қонун ва инсонпарварлик тамойиллари асосида баҳолаб, жўяли ҳукм чиқарса, адолат қарор топса, деймиз.

Дониёр ЭРГАШЕВ,
журналист.

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва ахборот кўмагида тайёрланди.
Лойиҳа: «Матбуот — давр кўзгуси».

АВВАЛИ

Уч луғат китоби

Муҳтарам адибларимиздин тошкандлик мулло Салоҳидинхўжа Алоудинхўжа марҳум ўғлилари уч луғат китобни йаъни арабий, форсий ва туркий луғатларини назм илан тартиб бериб Тошканд шаҳрида Ғуломийа матбааи исломиясида бостурилиб тамом қилиб сотила бошлади. Мазкур китобни исми ушбулардин иборатдур, чунончи 1 нчи **"Луғати салос"**, 2 нчи **"Нисоби ал сибйони туркий"**, 3 нчи **"Маъ муфрадот"**, 4 нчи **"Муқаттаоти туркий"**, 5 нчи **"Мураккабот"**, 6 нчи **"Сибйони дастури туркий"**. Ушбу байон бўлмиш нарсалар ҳамаси мавжуддур. Форсий ва арабий тилларини билмоққа хоҳлаган зотларға олиб ўқишни тавсия этамиз. Мазкур китоб 146 саҳифадур, ниҳоятда диққат илан зебо қилиниб йахши қоғозға қизил ва қора хат ила босилғондир. Ва фиҳрасти ҳам бордур. Ва хато савобларини диққат илан қилғондурлар. Миллатимизда шундоғ фозил одамлар китоб тартиб қилиб чиқазиб йаъни босма қилиб турсалар ниҳоятда миллатимизни ривожидур. Маҳфий қолмасинким мазкур китобни Тошкандда мактабдор болаларига йаъни шогирдларига таълим бера бошладилар. Ушбу китоб фақат камина мухбирда сотиладур. Бошқа шаҳарлардин сўровчиларға адрис: Тошканд шаҳрида Чорсу бозорида янги бино бўлмиш Синтралний Азийа номли нўмирнинг йонида Саидҳабибуллахўжа Саидорифхўжа ўғли.

"Туркистон вилоятининг газити"
17 октябр, 1910 йил.

Намуналик иш

Тошканд шаҳрини народной судйаси Раҳимхўжа Алихўжа ўғли Тошканд шаҳридаги мусулмонийа болалари ўқуйдурғон мактабхоналарға даркорлик асбобларни олмоқ учун уч йуз сўм ҳадйа айладилар.

"Туркистон вилоятининг газити"
22 март, 1894 йил.

* * *

Рамазони шариф тез фурсатда бошланадурғон важдин биз Тошканд шаҳридаги чодир хаёл (қўғирчоқ театр)ларни соҳибларига маслаҳат қиламизким, мазкурлар ўзларини қўғурчоқхоналарини йахшироқ қилдуруб, кўрган тамошобинларға фойда ва манфаат бўлуб йахши алфозлар ва йахши ҳулқларни таълим олмак учун тараддуд қилсунлар деб.

"Туркистон вилоятининг газити"
15 феврал, 1894 йил.

Нашрга тайёрловчи Сурайё ҒОФУРОВА

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Диққат янгилик!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ ТИЖОРАТ
ХАЛҚ БАНКИ

Яқинлашиб келаётган “Наврўз” байрами муносабати билан Сизларга янги

“НАВБАҲОР”

ютуқли омонат турини таклиф этади.
Омонатга пул маблағлари 3 ой муддатга чекланмаган миқдорда Халқ банкининг барча бўлинмалари орқали қабул қилинади.
Сиз фоиз даромадларини олиш билан бир вақтда қўшимча
5000 сўмдан 5000000 сўмгача
бўлган пул ютуқлари совриндори ҳам бўлиш имкониятига эгасиз.

ХАЛҚ БАНКИДА АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН!

Мурожаат учун телефон:
(8.371) 150-12-91.

Хизматлар лицензияланган.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ “ПОЙТАХТ” МЕҲМОНХОНАСИ

шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларига бир қанча хизмат турларини таклиф этади. Меҳмонхонанинг “Блисс”, “Мидори” ресторанларида Европа, Шарқ, япон ва корейс таомлари тайёрланади. Бундан ташқари, “Роял”, “Вива” барлари кеча-ю кундуз хизматингизда. Меҳмонхонада банкетлар, оилавий байрамлар ва турли хил тантаналар ўтказишга ҳам буюртмалар қабул қилинади.

РОЙТАНТ
отель

Мурожаат учун телефон: (8.371) 120-86-60

БЎРОН ТУФАЙЛИ

Париждаги аэропортлар вақтинча ёпилди. Кучли бўрон туфайли самолётларнинг учиши ҳам, қўниши ҳам қийин бўлаяпти. Масалан, кеча Москва, Санкт-Петербург, Лондон ва Берлиндан келиши лозим бўлган барча рейслар кечиктирилди. Синоптиклар шаҳарда шамолнинг тезлиги соатига 140 километрни ташкил этишини айтишмоқда.

ЎТ БАЛОСИ

Бир неча кундирки, Австралиянинг Виктория, Жанубий Австралия ва Янги Жанубий Уэльс штатларида ёнғинлар давом этмоқда. Channel 9 News Australia телеканали тарқатган хабарда айтилишича, 171 нафар одам ёнғинда ҳалок бўлган. Дом-дараксиз йўқолганларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 200 нафар киши ёнғин қурбонига айланди.

Шу кунгача 750 дюмдаги ўрмонлар куйиб кулга айланган. Мамлакат бош вазири Кевин Радд ўт қўювчиларни юзлаб одамларнинг ўлимида айблади ва албатта жазосини олишини таъкидлади.

HARRIER — ИШОНЧСИЗ САМОЛЁТ

Кипрнинг Лимассол шаҳри яқинидаги Акротири ҳарбий базасида ўқув машқлари пайтида Буюк Британия ҳарбий ҳаво кучларига қарашли Harrier қирувчи самолёти ҳалокатга учради. France-Presse хабарига қараганда, самолётдаги икки учувчи ҳам тан жароҳати олиб касалхонага ётқизилган.

Harrier самолётлари 1960 йилдан буён ишлаб чиқарилади. У АҚШ, Буюк Британия, Испания, Таиланд ҳарбий ҳаво кучларининг авиапаркларида бор. Ҳарбий мутахассислар Harrierни энг ишончсиз самолёт дейишади. Кейинги 30 йилда АҚШ ҳарбий ҳаво кучларида шу типдаги самолётларнинг учдан бири ҳалокатга учради.

БМТ СУДИНИНГ РАИСИ



Япониялик 76 ёшли ҳуқуқшунос Хисаси Овада БМТ Халқаро судининг раиси этиб сайланди. Шу пайтга қадар бу лавозимни британиялик Розалин Хиггинс эгаллаб турганди.

БМТ Халқаро суди раиси ва унинг ўринбосарлигига ҳар уч йилда сайлов бўлиб ўтади. Унда суднинг барча 15 нафар судьяси иштирок этади. Суднинг қароргоҳи Гаага шаҳрида жойлашган.

Хисаси Овада 2003 йилдан буён БМТ Халқаро судининг, 2001 йилдан эса халқаро арбитраж судининг аъзоси ҳисобланади. 1994–1998 йилларда Япониянинг БМТдаги доимий вакили бўлиб ишлаган. У Гарвард университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган.

БМТ Халқаро суди давлатлар ўртасидаги баҳсли масалаларни ҳал этади, шунингдек, БМТ Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгаши сўровлари бўйича маслаҳат бериш ҳуқуқига ҳам эга.

ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛДИ

The New York Times газетасининг ёзишича, кейинги пайтларда АҚШ армиясининг қуруқликдаги қўшинлари аскарлари орасида ўз жонига қасд қилиш авж олган. Расмий маълумотларга қараганда, 2008 йилда шу офат туфайли АҚШ қуролли кучлари 128 нафар аскар ва офицеридан ажралди. Жорий йилнинг январь ойида 24 нафар аскар ўзини-ўзи ўлдирган. Бу сўнгги 30 йилдаги энг юқори кўрсаткичдир.

Ушбу маълумотлар матбуотда эълон қилингач, кўплаб жамоат ташкилотлари Пентагон раҳбариятига ўз эътирозларини билдира бошлади. Уларнинг таъкидлашларича, аскарлар орасида психологик ишлар савияси пасайиб кетган

ЙИЛ ЗАРАР БИЛАН ЯКУНЛАНДИ

Дунёдаги энг йирик медиахолдинглардан бири News Corporationда ўтган йил якунлари ҳисоб-китоб қилинди. Ҳисоботда таъкидланишича, 2008 йилни корпорация 6,4 миллиард

доллар зарар билан якунлаган. Корпорация раҳбари Руперд Мердокнинг айтишича, улар йил зарар билан якунланишини кутган, лекин бундай катта рецессияга дуч келишларини ўйламаган. Корпорация активларини сотишдан 8,4 миллиард доллар зарар кўрган. Натижада бошқа соҳалардан олинган 2 миллиард доллар фойда ҳам йўқ бўлиб кетган.

Дунёдаги яна бир йирик медиакорпорация Time Warner ва Walt Disney ҳам ўтган йилнинг сўнгги чорагида 16 миллиард доллар зарар кўрган. Медиакорпорацияларнинг бундай ҳолга тушишига фонд бозорларида активларнинг пасайиб кетиши ва рекламаларнинг кескин камайиши сабаб бўлмоқда. Жаҳонда ҳукм сураётган иқтисодий бўҳрон реклама соҳасига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

ЭНГ ЯХШИ МЕҲМОНХОНА

Hotel.info сайти 600 минг сайёҳ ўртасида дунёдаги 210 мингта уч ва тўрт юлдузли меҳмонхоналарда кўрсатилаётган хизмат савияси ва ҳақи бўйича



ДАРАКЛАР

сўровнома ўтказди. Унга кўра, Япония пойтахти Токио шаҳри меҳмонхоналари энг яхши деб топилди. Иккинчи ўрин Лиссабон, учинчи ўрин эса Прага меҳмонхоналарига насиб этди.

Шуниси ажабланарлики, дунё сайёҳлик марказлари ҳисобланган Париж, Мадрид ва Рим меҳмонхоналари ўнликка, Москва, Нью-Йорк ва Лондон меҳмонхоналари йигирмаликка ҳам кира олмаган. Москва шаҳри меҳмонхоналари дунёдаги энг қиммат меҳмонхоналар ҳисобланади.

ПАРВОЗ КЕЧИКТИРИЛДИ

НАСАдан олинган хабарларга қараганда, «Дискавери” шатлининг 12 февралга мўлжалланган парвози камида 22 февралгача кечиктирилди. Бунга сабаб энергия бакларидаги босимни ушлаб турадиган клапанлар яна бир бор текшириб кўрилиши керак.

Шатллнинг уч клапанидан бири ўтган йилнинг ноябрь ойидаги парвоз вақтида озгина «лат еганди». Олимларнинг таъкидлашича, бу парвоз пайтида ҳеч қандай хавф туғдирмайди. Аммо парвозни бошқарувчилар клапанлар каттароқ емирилса қандай ҳолат юз беришини синаб кўришлари керак. Reuters хабарига кўра, «Дискавери» Халқаро космик станцияга қуёш батареяси элементларини олиб чиқиши лозим. Станция бутунлай ишга тушгунча шатллар яна саккиз марта самога парвоз қилиши кутилаяпти.

ЕТТИ ЙИЛ КЕРАК

Экспертларнинг таъкидлашларича, жаҳон иқтисодий инқирозидан энг катта зарар кўраётган соҳалардан бири автомобилсозликдир. Nissan корпорацияси раҳбари Карлос Гон бу ҳақда гапирар экан, жаҳон автомобилсозлиги яна етти йилдан сўнг ўзини ўнглаши мумкинлигини башорат қилди.

Гоннинг таъкидлашича 2009 йилда бор-йўғи 55 миллионта автомобиль сотилиши мумкин. Бу кўрсаткич 2008 йилда 63 миллионтани, 2007 йилда эса 69 миллионтани ташкил этганди.

Ҳозирги кунда жаҳон автомобиль саноати талабнинг камайиши, кредитнинг йўқлиги ва валютанинг кўтарилиб, пасайиб туришидан озор чекмоқда.

ТАФСИЛОТ

“Манас” авиабазаси ёпиладими?

Ўтган ҳафтада жаҳон ахборот агентликларининг асосий эътибори Қирғизистонга қаратилди. Мамлакат президенти Қурманбек Бакиев Қирғизистон ҳукумати АҚШнинг Бишкек яқинидаги “Манас” авиабазасини ёпиш тўғрисида қарор қабул қилганини билдирди. Бу ҳамма учун кутилмаган хабар эди. Чунки ўтган ойда Қирғизистонга келиб кетган АҚШнинг Марказий қўшинлари қўмондони генерал Дэвид Петрэус Вашингтон Бишкек билан ҳамкорликни давом эттирибгина қолмай, “Манас”даги ҳарбий базани кенгайтириш ҳақида музокаралар олиб боришга тайёр эканлигини айтганди. Лекин кутилмаганда вазият ўзгариб қолди. Нега? Нима учун Қирғизистон раҳбарияти бирдан бундай қарор қабул қилди? Бу хабарни Қирғизистонда қандай кутиб олишди? Ушбу масалада қирғиз раҳбарияти якдилми? Бугун кўпчиликни шу саволлар қизиқтирмоқда.

Албатта, ўз ҳудудига қайси давлатнинг ҳарбий базасини жойлаштириш ҳар бир суверен давлатнинг ички иши. Шунинг учун ҳам барча шарҳловчилар бу масалада сўнгги сўзни фақат Бишкек айтиши мумкинлигини билдиришмоқда. Қурманбек Бакиевнинг таъкидлашича, ушбу ҳарбий база 2001 йили Афғонистонда фаолият олиб бораётган коалицион кучларга ёрдам бериш мақсадида ташкил этилганди.

— Ўша пайтда гап бир-икки йил ҳақида кетганди, — деди Бакиев. — Орадан саккиз йил ўтди. Биз АҚШ билан бир неча марта базанинг кейинги фаолияти учун компенсация тўлаши лозимлиги ҳақидаги масалани муҳокама қилдик. Аммо ҳеч ким бизнинг гапимизни эшитишни истамади.

Ҳарбий базанинг ёпилишига Қирғизистон фуқароси Александр Ивановнинг ўлими иккинчи сабаб қилиб кўрсатилмоқда. “Афсуски, ушбу масала икки йилдан буён Америка томонидан ҳал этилмай келинаяпти, — деди Қ. Бакиев. — Биз ўз фуқароларимизни қонун доирасида ҳимоя қила олмасак давлатнинг мустақиллиги ва суверенитети ҳақида қандай гапириш мумкин”.

Қирғизистон президентининг таъкидлашича, бундан ташқари, аҳолининг асосий қисми анчадан буён мамлакат ҳудудида АҚШ базаси жойлашганидан норози. Бу эса ҳукуматга қарши маълум салбий муносабатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Ушбу хабар тарқалган куниёқ дунёнинг етакчи сиёсатчилари, экспертлари масалага ўз муносабатларини билдира бошлади. Ғарб матбуотининг таъкидлашича, АҚШнинг “Манас”дан “қувилиши” Россиянинг иши. Чунки Москва Афғонистондаги террорчилар йўқ қилинишидан манфаатдор бўлса-да, ўз чегаралари яқинида хорижий давлат ҳарбий базаси бўлишини истамайди. Бундан ташқари, АҚШ ҳарбий базаси фақат Афғонистондаги вазиятни назорат қилаётгани йўқ, балки Россияга яқин жойда туриб разведка ишлари ҳам олиб бормоқда.

Пентагон матбуот котиби Жефф Моррелл масалага муносабат билдирар экан, “Афғонистондаги ҳарбий амалиётларнинг муваффақиятида “Манас”нинг ўрни катта”, дея интервью берди. АҚШнинг давлат котиби Хиллари Клинтон бу хабардан таажжубда эканини билдирди. У Оқ уй ҳали бу масалада Қирғизистон билан музокаралар олиб боришдан умидвор эканини ҳам яширмади. Бундан ташқари, Вашингтон “Манас” бўйича Москва билан ҳам музокаралар олиб боришга тайёр эканини айтди.

Маълумки, расмий Вашингтон бу йил Афғонистондаги аскарлар сонини Ироқдаги ҳарбийларни камайтириш ҳисобига 15 минг нафарга кўпайтиришни режалаштираяпти. Ҳозир Афғонистонда АҚШнинг 36 минг аскари бор. Шундай экан, бирлашган кучлар учун албатта, хавфсиз тўхташ жойи керак бўлади.

Қирғизистон АҚШ базасини сақлаб туриш эвазига маънавий қўллаб-қувватлашдан ташқари, моддий фойда олишни ҳам истайди. Лекин расмий Вашингтон базани сақлаб тургани учун йилига бор-йўғи 68 миллион доллар тўлаяпти, холос. Умуман, АҚШ Қирғизистонга бошқа дастурларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 150 миллион доллар бераяпти. Бундан ташқари, у зўравонлик йўлини тутмоқда. Қирғизистонга арзимаган пул бериб катта ҳарбий кучларини бу ерда сақлаб туришни истайди. Ваҳоланки, зўравонлик қиладиган пайтлар ўтиб кетди. Энди ҳар бир айтилган сўз учун ҳам, ҳар бир отилган ўқ учун ҳам жавоб бериш лозим бўлади.

Маълумотларга қараганда Россия ва Қирғизистон давлат раҳбарлари учрашувида Москва бошқача йўл тутди. Қирғизистонга 40 йил муддатга 2 миллиард доллар кредит ажратишга ваъда берди. Бундан ташқари, 150 миллион доллар қайтарилмайдиган ёрдам ҳам кўрсатади. Шунингдек, Қирғизистоннинг аввалги қарзлари ҳисобидан Бишкекдан мулк сотиб олади.

Базанинг ёпилиши тўғрисидаги баёнотга Қирғизистоннинг ўзида ҳам турлича қарашлар билдирилаяпти. Коммунистлар йўлбошчиси Исҳак Масалиев бу қарорни маъқуллаган бўлса, ҳукуматга мухолифатда бўлган партия ва ҳаракатлар раҳбарлари уни катта хато деб атади.

Матбуот хабарларига қараганда, ҳозирча “Манас” авиабазасида одатдаги ишлар давом этаяпти. Базанинг ёпилиши ҳақида расмий хат берилгани йўқ. Бу борадаги сўнгги сўзни Қирғизистон парламенти айтиши керак. Шарҳловчилар парламент ҳукумат қарорини тасдиқлаши аниқ деган фикрларни билдиришмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ЭЪЗОЗ

КАСБИ УЛУҒ КАСБИЛИКЛАР

ёки новвойлар ҳаётидан лавҳалар

Инсон қандай меҳнат билан шуғулланса, касбикорига хос хусусиятлар кўнгил ақидалари билан уйғунлашиб, унинг қиёфасида акс этади, дейдилар. Бу гапнинг тўғрилигига 32 йилдан буён новвойлик қилаётган Касби туманидаги "Фидокор" жамоа корхонаси раҳбари Қўлдош Тўраев билан суҳбатлашганимдан кейин яна бир бор ишондик. Камгап, эллик ёшдан ошган бу инсоннинг юзида ўзгача сурур бор.



— Сулаймон Боқирғоний деган шоир ўтган. Адашмасам, Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг шогирдларидан бўлган. У кишининг: "Барча яхши, биз ёмон, барча буғдой, биз сомон," деган мисраларини яхши кўраман,— дея гап бошлади Қўлдош ака. — Бир куни Яссавий шогирдларига ўтин териб келтиришни буюради. Йигитлар келтирган ўтин ёмғир ёққани учун ҳўл бўлади. Сулаймон Боқирғоний тўнига ўраб-чирмаб келтирган ўтинларнинг қуруқлигидан, бирон ишга қўл урса, сидқидилдан бажаришига ишонган устоз хурсанд бўлиб, шогирдига Ҳаким тахаллусини беради. Демоқчиманки, уддабурон кишилар азал-азалдан эътиборга лойиқ бўлишган. Мен олий маълумотли эмасман. Оддий новвойликни касб қилиб, эл-юртга хизмат қилаяпман.

Дарвоқе, Қўлдош ака бу гапларни айтгунча, 250 дона хамир бўлаклари электр печга терилиб, ёпилди. Уч-тўрт нафар шогирдларининг қўли-қўлига тегмайди. Кўп ўтмай пишаётган иссиқ нон ҳиди димоққа урилди.

Қадимдан неъматларнинг улуғи нон саналган. Ҳозир ҳам ўзбек хонадонларида дастурхон нонсиз ёзилмайди. Бирор тўймаъраками, удум-маросимларимиз йўққи, нонсиз ўтса. Нон ҳар куни истеъмол қилинса-да, кўнгилга тегмайдиган азиз неъмат. Бироқ у оёқ ости қилинса, уволи тутиши тўғрисида ёши улуғлар кўп бор таъкидлашади. Мисолни қаҳрамонимизнинг ўзи яқин ўтмишдан келтирди.

— 1988 йиллар эди, — дейди новвой ўйга толиб. — Тошкентнинг Юнусобод даҳасидаги қариндошимникига бориб турардим. Ишонасизми, кўп қаватли уйлар атрофидаги уюм-уюм ахлатларга қоришиб, баъзида бутун, баъзида бир-икки тишланган нон бўлаклари ётганини кўриб, юрагим оғирди. Азиз неъмат қадрсизланганидан ўкинардим. Кези келганда, кўнглимдагини гапирай. Отам деҳқон бўлган. Сабзавот экинлари не-не заҳматлар эвазига етиштирилишидан хабарим бор. Ўша йиллари сабзи, картошка, карам сингари полиз экинлари ҳам ахлат уюмларига ташланганига кўп гувоҳ бўлганман. Исроф қилинган ноз-неъматларга ачинганимдан, уйим яқин бўлса-ю, мол-ҳолга олиб кетсам, дердим. Бу ҳолатлар ношукурликдан бошқа нарса эмас эди, албатта.

Ҳа, бу гапларнинг мағзини чақиб, айтиш жоизки, мустақиллик бизга ноз-неъматларнинг қадрига етиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, уларни ардоқлаш сингари урф-одатларимизга риоя этишни ҳам ўргатди. Буни аксарият одамларимиз англаб етдилар.

Ер юзида нонга муносабати ҳаминқадар бўлган юртлар борлигини ҳам биламиз. Яқинда Россия телевидениеси дастурларидан бирида антиқа буюмлар ясаган одамлар тўғрисида ҳикоя қилинди. Бир киши нондан шиппак ясабди. Ё, тавба, дея ёқа ушлайсан киши. Биз нонинг урвоғини кўзга сурамиз. Дунёнинг қанчадан-қанча давлатида қорни нонга тўймай яшаётган одамлар бор. Бошқа бир жойда азиз неъматдан шиппак ясаган "устомон"лар чиқса, тағин у "ойнаи жаҳон"дан намойиш қилинса!

— Мен шўро даврида олий маълумот ололмаганимдан армонда эдим, — дея сўзини давом эттиради Қўлдош ака. — Шукр қиламанки, мустақиллик пайтида фарзандларимни ўқитдим, уйли-жойли қилаяпман, турар манзилим бекам-у, кўст. Машинам, янги таъмирдан чиққан новвойхонам бор. Бу ерни 2004 йилда қаровсиз ҳолда сотиб олгандим. Кунига 5-6 минг дона нон маҳсулоти ишлаб чиқариш билан биргаликда, бинода қайта таъмирлаш ишларини амалга оширдик. Новвойлик — ҳалоллик, покизаликни хуш кўради. Буни мен узоқ йиллик тажрибам давомида кўп бор синадим.

Бу орада корхонани тандирдан чиққан иссиқ нон ҳиди тутиб кетди. Ёрдамчи новвойлар уларни оралатиб териб, совутишга қўйдилар. Новвойхона биносини айланамиз. Ёғли патир ёпишга мўлжалланган катта тандирхоналар, кучли газ босимида нон ва қандолат маҳсулотлари ёпадиган ускуна жойлашган

цех, ишчилар учун дам олиш, ювиниш хоналари... Хуллас, кечагина таъмири якунланган бу жой яқинда гавжум ва сермаҳсул ишлаб чиқариш корхонасига айланишига шубҳа йўқ.

* * *

Қирқ ёшлардаги қотмадан келган, чўзинчоқ юзида холи бор йигитни туман ҳокимлигидагилар Ғайратжон Холлиев деб таништиришди. Бу йигит мустақилликнинг илк йилларидаёқ отни қамчилаганлар тоифасидан экан, гап-сўзлари бурро, хатти-ҳаракатлари ҳам шунга лойиқ.

— Биз олти фарзанд ўқитувчилар хонадонида ўсиб, улғайдик. Оилада отамиз маҳкам тутган шиор бор: "Ҳамма меҳнат билан банд бўлиши керак!" Шу сабабли уйда ҳар ким зиммасидаги юмушни уддалашга интилади. Хусусийлаштириш бошланган йиллари укам билан дўкон сотиб олдик. 5-6 йил ичида машиналик бўлиб, ҳовли-жойни эпақага келтирдик. Ҳозир иккита дўконимиз бор. Қарасам, энг харидоргир маҳсулот — нон. Ўтган йили ўзингдан айланай буғдой дедим-у, ун билан тиллашишни бошладим. Тўғрисини айтсам, ишни шунчаки қўл учида бажариш бошқа, уни астойдил меҳр билан уддалаш бошқа. Хайр-барака кейингисида бўлади. Бу ҳам отамизнинг гаплари. Мен унинг тўғрилигига кўп бор иқрор бўлганман. Новвойликни яхши кўраман. Ёнимдаги йигитларга айтаман, бемаъни ўй-хаёл, феъл-атвор билан тандир ёнига яқинлашманг. Хамирни қораётиб, унни алқанг. Нафақат тирик жонзотларга, атрофингиздаги жонсиз мавжудотларга ҳам меҳр берсангиз, меҳр оласиз.

Ғайратжоннинг келажакдаги режалари хусусида сўрадим.

— Туманимизда новвойлик борасида Қўлдош ака билан рақобатчимиз. У киши бу соҳанинг устаси. Биз эса энди оёққа тураяпмиз. Лекин шунга қарамай, яқин орада устаникидан қолишмайдиган, ҳатто сифати жиҳатидан ўзадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш режаларимиз йўқ эмас.

Ҳа, Ғайратжонда ғайрат, Қўлдош новвойда эса тажриба кўп. Ғайратжон раҳбарлигидаги Муғлон қишлоғидаги "Иссиқ нон" ишлаб чиқариш корхонаси новвойхонаси хийла кичикроқ. Лекин шарт-шароити, асбоб-ускуналари устаникидан қолишмайди. Биносининг ташқи дизайнига озроқ эътибор берилса, бас. Ҳар иккиси ҳам ўз касбининг нозик сир-синоатларидан гапирмади. Ғайратжон Муборак туманида бир новвой бува бўлгани, бошқаларникига ўхшамайдиган нон ёпгани, хамир қориётганда болаларини ҳам ёнига яқинлаштирмагани ҳақида гапириб берди.Чол новвойлик сирини умрининг охиригача афсуски, ҳеч кимга айтмаган экан.

Нон каби бошқа неъматлар ҳам ҳар ҳудудда турли хил кўриниш ва таъмга эга. Кўпчилик бунинг сабабини ўша ҳудуднинг иқлими, суви, тупроғи, ҳатто турмуш тарзи-ю, урф-одатлари билан боғлайди. Бунда ҳақиқат бор, албатта.

Инсоннинг кимлигини унинг бажарган ишларига қараб билиш мумкин. Назаримда нияти яхши одамлар қадамни ҳам катта ташлайдилар. Катта йўлда юрганларнинг машаққати ҳам шунга яраша бўлади, албатта. Қаҳрамонимиз сингари уйқу, ҳузур-ҳаловат, ўйин-кулгудан ўзини тийишга мажбур бўлиши табиий. Қийинчиликлардан қўрқиб, ортга чекиниш Ғайратжоннинг табиатига зид. Аксинча, у тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтирмоқчи. Даромадининг маълум қисмини хайр-саховат ишларига ҳам ажратган. Бу борада мухтож одамга ўнг қўлда берганингни чап қўлинг билмасин, нақлига амал қилишни хуш кўради.

Суҳбатимиз ниҳоясида Ғайратжон бизга кичкина жинси мато бўлагини кўрсатди. Чеккалари қизил ип билан чатилган матода одам бош чаноғининг акси туширилган бўлиб, у оқ ипда тикилган. Устидан «Х» симон қора чизиқлар тортилган. Остида инглизча ёзув бор.

— Нима бу? —сўрадим ундан.

— Мен ҳам шу саволни кеча 8-синфда ўқийдиган ўғлимга бердим. Бу матоҳни шимининг орқа чўнтагига қадаб қўйибди. Буни этикетками, татуировками-ей дермиш. Кийим-кечакларга замонавийлик тусини берармиш. Тошкентда бу нарса ёшлар орасида урф бўлгани, бу ернинг дўконларида йўқлиги учун бола уни қўлда ясаб олганмиш. "Хўш,— дедим, глобус сингари бирор буюмнинг расми бўлса, тушуниш мумкиндир, лекин кийимга тушунарсиз белгини ёпиштиришга бало борми? — сўрадим ўғлимдан. У ғўлдираб алланарсалар деди. Айтган гапларига ўзи ҳам тушунмайди. Болаларимиз кўр-кўрона ружу қўяётган бу нарсалар нима ўзи?

Ғайратжоннинг оддий новвой, тадбиркор бир йигитнинг ёшлар ва миллатимиз маънавияти хусусида қайғураётгани бизни янада мамнун қилди.

Мамлакат НОРМУРОДОВА,
"Hurriyat" мухбири. ®

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

"ПАХТА БАНК"

мамлакатимизда 2009 йилнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилиниши муносабати билан барча тадбиркор ва ишбилармонларни ҳамкорликка таклиф этади!

Айниқса, қишлоқ жойларда тадбиркорликни ривожлантиришга ва турмуш даражасини янада оширишга ҳамда янги иш ўринларини ташкил этишга қаратилган лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида

"ПАХТА БАНК"

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАР ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

ТАНЛОВНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ:

1. Лойиҳа мақсади:
— қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шу жумладан, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини тўлиқ қайта ишлаш;
— чорвачилик маҳсулотлари, шу жумладан, сут ва гўштни қайта ишлаш.

2. Лойиҳа қиймати — мижоз буюртмаси асосида.

3. Лойиҳани молиялаштиришга ажратиладиган кредитнинг миқдори 500 миллион сўмгача.

4. Ташаббускорнинг лойиҳадаги улуши лойиҳа қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

5. Кредит таъминоти кредит миқдорининг 120 фоизидан кам бўлмаган ҳолда, лойиҳа асосида сотиб олинадиган технологик ускуна таъминот сифатидаги қийматининг 70 фоизи миқдоригача қабул қилинади.

6. Лойиҳани қоплаш муддати 5 йилдан ошмаслиги ҳамда замонавий технологик ускуналарга асосланган бўлиши лозим.

Қуйидаги инвестиция лойиҳалари алоҳида устуворликка эга:

— экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган, замонавий ва мослашувчан минитехнологияларга асосланган лойиҳалар;
— энг арзон маҳсулот таннархига эга бўлган лойиҳалар;
— лойиҳа ташаббускорининг ушбу соҳада юқори малакага эгалиги;
— киритиладиган инвестицияга асосан яратиладиган иш ўринлар сони юқори бўлган лойиҳалар.

Танловда иштирок этиш учун "Пахта Банк"нинг барча филиалларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш талаб этилади:

— танловда иштирок этиш учун ариза;
— корхонанинг таъсис ҳужжатлари ва молиявий ҳисоботлар;
— лойиҳанинг мақсади, стратегияси, технологик ускуна, хомашё базаси, лойиҳа ташаббускорининг мавжуд имкониятлари ҳамда рақобатчилардан устунлик тарафлари, маркетинг тадқиқотлари кўрсатилган техник иқтисодий асос;
— кредит таъминотига таклиф этиладиган мол-мулклар тўғрисида маълумот.

Танлов шартларига тўлиқ жавоб берган лойиҳаларга "Пахта Банк" томонидан имтиёзли фоизлар асосида кредитлар ажратилади.

Танловда иштирок этиш учун аризалар ОАТ"Пахта Банк"нинг барча ҳудудий филиаллари томонидан қабул қилинади. Мурожаат учун телефон рақамлари:

(+99871) 150-85-23, 150-53-57

www.pahtabank.com

Хизматлар лицензияланган.

МАЪНАВИЯТ

МУСИҚА ВА ЁШЛАР

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан пойтахтимизнинг муҳташам "Туркистон" саройида ўтган ойда бўлиб ўтган тадбир ҳамда катта концертга ташриф буюрган ҳамюртларимиз яхши кайфиятда ва кўтаринки руҳда залдан чиқдилар. Демак, тантанали маросим учун танланган қўшиқлар, хонандаларнинг ижро маҳорати кўпчиликка манзур бўлган.

"Бахтдир менга дардлари..."

Ҳарбий билим юртларининг бежирим кийинган алпкелбат йигитлари ўзларига ёққан ашуланинг нақоратини хиргойи қилиб кетаётгани янада ёқимли:

"Она замин ва инсон,
жону тандир, жону тан!
Беминнат ота макон —
шу Ватандир, шу Ватан!"

Очиғи, концерт якунида, ташкилотчилар ибораси билан айтганда, "финал"да Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари Шуҳрат Дадажонов ижро этган "Шу Ватан" қўшиғи ушбу санага ҳар томонлама мослиги, соз ва сўз уйғунлиги, ғурур-ифтихор туйғуларини жунбушга келтиргани, ҳарбийларга хос жарангдорлиги билан барчанинг эътиборини тортди.

Аслида яхши қўшиқ ўз-ўзидан ёхуд ҳар куни яралавермаслиги санъат соҳасидан узоқ кишилар учун ҳам янгилик эмас. Бунинг учун аввало, худо берган иқтидор, ана шу истеъдодга яратилган шартшароит ва берилаётган эътибор, илҳом келтирадиган байрам тадбирлари муҳим роль ўйнайди.

Шунинг учун ҳам истиқлол йилларида мамлакатимизда мусиқа санъатини янада ривожлантиришга қаратилган дастур ва режалар изчил амалга оширилмоқда, мумтоз мусиқа меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш, уни ёш авлодга безавол етказиш мақсадида кўплаб кўрик-танловлар, нуфузли халқаро мусиқа анжуманлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Иқтидорли ёшлар доимо қўллаб-қувватланиб, рағбатлантириб борилмоқда. Янги ва яхши қўшиқларнинг пайдо бўлаётгани ҳамда уларнинг энг азиз байрам-тўйларимизда ижро этилаётгани ҳам ана шу эътиборнинг самарасидир.

«Асрагайдир мардлари,
дилдан артиб гардларин,
Бахтдир менга дардлари,
шу Ватандир шу Ватан!»

Айни ушбу сўзлар билан бошланадиган мазкур қўшиқнинг ёш ижодкорлар томонидан яратилгани диққатга молик. Шеър муаллифи — Аҳаджон Қаюмов ҳали талаба, сўз санъати оламининг илҳом кўчаларида энди-энди қадам ташлаётган навқирон авлод вакилларидан. Унинг илҳомига-илҳом қўшиб, юрак ҳароратини бағишлаб мусиқа ёзган Шуҳрат Дадажонов эса Ватан ҳимоячилари қалбидаги азм-у, шижоатни, шерюрак ўғлон нидосини юксак маҳорат билан нотага кўчирган.

Бу, албатта, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг ноёб асарлари билан бирга, уларнинг кайфияти ва интилишларига мос келадиган замонавий миллий эстрада санъати намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун яна бир имконият бўлди.

Шу фикрга алоҳида урғу бераётганимизнинг боиси бор. Ҳозирда эстрада йўналишида жуда кўплаб қўшиқлар ёзилиб, катта маблағ эвазига клиплар тайёрланмоқда ва улар теле ҳамда радиоканалларда ёмғирдан кейинги кўзиқоринидек чиқиб турибди.

Афсуски, ана шундай "бебаҳо" санъат "дурдона"ларининг аксарияти миллий эстрадамиз анъаналаридан кўра, «оммавий маданият» таъсирида яратилгани кишини ўйга толдириши табиий. Ниятимиз — бировларнинг ноғорасига «куйлаётган» ёшларимиз ҳам атрофга теран назар билан қараб бизга қандай қўшиқлар кераклигини, давлатимиз раҳбарининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобидаги турфа синовлардан ўтиб, қуйма фикрларга айланган ҳаётий хулосани билиб қўйсалар, кони фойда бўларди.

"Айрим ёш ижрочи ва ижодий гуруҳларнинг жамоатчилик эътиборига тақдим этаётган «асар»лари санъатнинг ҳеч қандай талаб ва мезонларига жавоб бермайди. Нафақат мавзу ва мусиқа, ижро усуллари, балки саҳна ҳаракатларида ҳам очиқдан-очиқ ажнабий «оммавий маданият» кўринишларига тақлид қилиш, «юлдузлик» касалига чалиниш ҳолатлари тез-тез учраб турaётгани чинакам санъат мухлисларини ранжитмасдан қолмайди, албатта.

Айниқса, бизнинг миллий анъаналаримизга, ахлоқ-одоб қоидаларимизга мутлақо тўғри келмайдиган клиплар, турли тиллардаги сўзларни қориштириб ёки талаффузни атайлаб бузиб айтиш каби номуносиб ҳаракатларни айрим ёш ижрочилар ўзи учун қандайдир янгича услуб деб билаётгани, менимча, санъатни, унинг моҳияти ва аҳамиятини тушунмасликдан бошқа нарса эмас".

Юртбошимиз куюниб таъкидлаган ҳолатлар юқумли касалликка айланиб кетмаслигининг олдини олиш учун дилга пайванд қўшиқларимизни қайта-қайта эфирга узатиш, маънавий меросимизнинг бир бўлаги сифатида кенг тарғиб этиш асло зиён қилмайди, деб ўйлайман. Зеро, "камтарлик" ила бирор жабҳа ёхуд йўналишни бўш қўйсак, уни кимдир келиб тўлдиради, ўзининг «қўшиғи»ни тиқиштиради.

Озод РАЖАБОВ

МУЛОҲАЗА

Тўй эгасининг «обрўси»

"Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да тўй кўпинча базм-томошалар билан зиёфат бериб ўтказиладиган баъзи маросимларнинг умумий номи ва ўйин-кулгилар билан ташкиллаштириладиган тантана деб таърифланган. Бир сўз билан айтганда, тўй — яқинлар, қариндош-уруғлар дийдорлашадиган маросимдир. Лекин...

Яқинда Оққўрғон туманидаги марказида бир тўйда бўлган эдим. Хатна тўйи бўлгани учун кундузи соат 10 га белгиланган экан. Базм бошланди. "Эстрада юлдузи" бир жуфт қўшиқни "жонли"да куйлагач, даврада раққоса пайдо бўлди. У "қанот қоқиб" давра айланар экан, қўшиқнинг ярмига бормай тўсатдан "қилиқ" чиқарди — меҳмонларга турли ҳаракатлар билан тегажоқлик қилар, ҳатто бехосдан бўлсаям кимнингдир елкасига, бикинига туртиб, пул қистирмагунча қўймасди.

"Ўйинчи қиз" биринчи "круг"дан кейин қаерда "унум" борлигини, қайси даврада қанча пул қистиришга "қодирлар" ўтирганини дарров фаҳмлаб олди шекилли, кейинги чиқишида тўғридан-тўғри "бақувватлар" ўтирган даврага йўл олди. Бир пайт раққосага қўшилиб, даврага "жон киритадиган" шинавандалар ҳам топила қолди. Улар ҳамманинг кўз ўнгида, ҳатто хотини, бола-чақалари томоша қилиб турганига ҳам парво қилмай, ўзини кўрсатиб қўйиш учунми, ё бошқа ниятдами, ҳар қалай қўлидаги пулни ўйинчининг "нозик" жойига қистиришга уринар, "текин томоша" иштиёқмандлари эса ўша заҳоти қий-чув қилиб, даврани бошига кўтарарди. Эҳтимол тўйдаги ширакайф меҳмонлар кўзи билан қаралса, бу ҳолатнинг ҳеч қандай уятли жиҳати йўқдир. Аммо базмда нуроний онахонларимиз, опа-сингил, укаларимиз, қолаверса, қанчадан-қанча болалар ҳам иштирок этаётгани ва уларнинг бутун диққат-эътибори эстрада юлдузи-ю, рақ-қосада эканини ҳисобга олсак, юқоридаги ҳолатни беҳаёлик деб аташдан бошқа чорамиз қолмайди.

Тўйдан қайтар эканмиз, дўстим менга бу қандай расвогарчилик, ахир бундан 15-20 йиллар олдин бунақа нарсалар бўлмаган-ку, спиртли ичимлик ҳам меъёрида қўйиларди, дея нолиб қолди. Кейин "Агар тўй қилсам бирон-таям ароқ қўймайман", — деди ўзига-ўзи сўз бергандай. Ҳақиқатан ҳам дўстим, кўп ўтмай тўй қиладиган бўлиб қолди, ўғлини уйлантирди. Аммо не кўз билан кўрайки, турли ширинлик, мевачевалар билан бирга столга спиртли ичимликларни тур-тури билан қалаштириб ташлаганди. Боз устига даврада раққоса ҳам хиром айларди. Дўстимга "Бу ёғи неча пулдан тушди?", деб пичинг қилдим.

— Э, нимасини айтасан, эл-юртга кулги бўлмоқчимисан деб акаукаларим қўймади, — деди у елка қисиб.

Ана холос! Демак, дастурхонга тортилган ароқ тўй эгасининг обрўсини белгилайдиган барометр экан-да?! Ахир юқоридаги ҳолатлар тўйларимиз ҳуснига тушаётган доғ эмасми?

Ўрни келганда бир нарсани айтиб ўтмасам бўлмас. Бундан анча йиллар олдин бир базмда қатнашгандим. Ўтиришда на қадаҳ сўзлари, на бирбирига ароқ тутиб мулозамат кўрсатиш, на ширакайф суҳбатлар бўлди. Аксинча, маслакдош дўстлар, кўнгли яқин инсонлар узоқ вақт бир-бирлари билан дилдан суҳбатлашиб, кўнгил ёзиб ўтирдилар. Ўзбекистон халқ шоири, раҳматлик Тўра Сулаймон ўзи бош-қош бўлиб, дўстларини гап-гаштакнинг ичиликсиз ўтишига кўндирган экан.

Ўша базм ҳалигача хотирамдан ўчмайди.

Холмурод ОЛЛАНАЗАРОВ

ТАДҚИҚОТ

СЎЙЛАСИН УРХУН ХАТИ

Туркийлар милоднинг VII-VIII асрларида Марказий Осиёнинг кенг ҳудудларида яшаб, туркий давлатни яратган. Ҳоқонлар ўз қаҳрамонликлари ҳақида тошларда турли хил битиклар қолдирганлар. Бу тош битиклар фанда руна ёзуви, руник ёзув, Урхун хати, Урхун-Енисей ёзуви номи билан атаб келинмоқда. Бу ёзувларни ўрганиш ишлари 116 йил илгари бошланган бўлса-да, айрим масалалар ҳамон ўз ечимини кутмоқда. Шу муносабат билан мухбиримиз тилшунос олим, профессор Эргаш УМАРОВ билан суҳбатлашди.

— Домла, даставвал, руна ёзувида айни пайтда муаммо бўлиб турган баҳс-талаб масалалар ҳақида суҳбатлашсак...

— Аввало бу қадимги ёдгорликлар нега "руна" ёки "руник" деб аталишига изоҳ берсак. Гап шундаки, "руна" сўзи немисчасига "ноъмалум" деган маънони билдиради. Шу боис фанда бу ёзувлар ана шундай қўлланилиб келинади.

"Урхун" ва "Енесей" атамалари эса жой номлари билан боғлиқ. Урхун — Мўғилистондаги дарё номи. Енесей ҳам дарё номи. Энг қадимги тош битиклар эса илк бор ана шу дарёлар атрофидан топилган. Шу сабабли ушбу ёдгорликлар шундай ном олган. Руна ёзувида асосан, учта баҳсталаб масала бор: Биринчиси нега унли ҳарфлар учун 4 та белги олинган? Иккинчиси нима сабабдан *б, д, й, л, р, н, т, с* ундошлари икки хил руна билан ёзилган? Учинчиси шохсимон руна қандай товушни англатади?

Бу муаммони ечиш учун икки масалани ҳал қилиш керак. Биринчидан, тош битикларга андоза бўлган ёдгорликни топиш лозим. Иккинчидан, урхун хати устида ишлаган ота-боболаримиз ёзиб қолдирган луғат маълумотларига асосланишимиз керак. Афсуски, иккала масалага ҳам ҳозиргача амал қилинмади. Натижада рунологияда англашилмовчилик вужудга келди. Тош битикларни ҳар ким ўзича ўқий бошлади. Иш шу даражага етдики, **б, д, й, л, р, н, т, с** ҳарфлари ёнига рақам қўйиб ёзиш бошланди. Бу хатоларнинг ҳаммаси Алишер Навоий ва Бобур каби мумтоз адабиётимиз буюк намояндаларининг ўз кўзи билан кўриб, эшитиб, ўз қўли билан ёзган маълумотларга европалик олимларнинг беписанд қарашлари натижасида рўй берди.

— Руна ёдгорлигининг андозаси топилдими?

— Руна ёдгорликларининг андозаси кўп вақт номаълум бўлиб келди. "Туркий халқлар бу ёзувни яратаётганларида бирор ёдгорликдан андоза олган бўлишлари керак", — деган умид мутахассисларни тинч қўймасди. Уларнинг умидлари ўлароқ, намуна бўлган ёдгорлик топилди. Бу — ахмонийлар ҳукмдори Доро I нинг Бисутун қоя тошларига ўйиб ёздирган миххатлари бўлиб чиқди. Иккала ёдгорликдаги ёзувлар Доро I нинг ғалабаларига бағишланган. Ёдгорликлар орфографик ва услуб (стилистик) жиҳатдан бир-бирига ўхшаш бўлган. Ҳар икки ёдгорликнинг материали ҳам бир хил — тош.

— Демак, руна ёзувининг андоза нусхаси топилибди. Унга асосланиб тарихий битикларни қандай ўқиш керак?

— Бу маълумотлар асосида руник ёдгорликларни жорий алифбога бошқатдан ҳарфма-ҳарф ўгириш керак. Илгари бу ёдгорликлар Европа олимлари томонидан европа тилларига хос *қаттиқлик-юмшоқлик, олд қатор—орқа қатор*, яъни ü, ä, ö, ы белгилари билан нотўғри нашр қилинган. Шу сабабли академик А.Кононов руна ёзуви тарихига бағишланган рисоласида "ҳануз кўп нарсалар ноаниқ бўлиб қолмоқда", — деб ёзган эди. Агар бунинг ёнига шўро олимларининг туркий тиллар товуш тизимини боши берк кўчага киритиш учун тўқиб чиқарган "сингармонизм" атамасини қўшсак, масаланинг қанчалик мураккаб эканини тушуниш қийин эмас. Сингармонизм туфайли мумтоз адабиётимиз вакиллари асарларини *сайын, йыл, қылынг, мынг, сынгыл* шаклида ёзиб, уларни ҳақорат қилаётганимизни ҳали тушуниб етмаганлар кўп. Оқибатда бир сўзни адабиётшунослар бошқа, тилшунослар ўзгача ёзмоқдалар. Бечора ўқувчи кимга ишонсин?!

— Бисутун қояларига ёзилган миххатнинг руна ёзувига қандай алоқаси бор?

— Бу ёдгорликда ҳам руна ёдгорлигидаги каби чўзиқ унли учун белги йўқ. Бир товушни англатувчи икки хил белгининг айримлари соф ундошни, айримлари бўғин вазифасини бажарган.

— Демак, Урхун ёзуви ҳам форсий миххатларга ўхшаб ҳарф ва бўғин асосида тузилган экан-да...

— Руна ёзувида сўзлар ҳарф ва бўғин асосида тузилган. Чўзиқ унлилар учун белги йўқ. ***б, д, й, л, р, н, т, с*** ундошлари икки хил руна билан ёзилгани буни исботлайди. Биринчи руналар ҳарфни ифодаласа, иккинчилари бўғин вазифасини бажарган. Масалан: биринчи руна соф ***б*** ни ифодаласа, иккинчиси ***ба, аб, уб, бу, иб, би*** бўғинларини англатган. Биҳистун ёдгорлигида ҳам чўзиқ унли учун белги йўқ. Айрим белгилар ҳарфни, айримлари бўғинни ифодалаган.

— Қадимги туркий тилларда унлилар чўзиқ талаффуз қилинганига далил борми?

— Туркийлар дунёда қадимги ёдгорликларга эга бўлган халқлардан саналади. Дастлабки туркий ёдгорлик — Култегин тош битиги милодий 735 йилда яратилган. Академик А. Кононовнинг таъкидлашича, бадиий жиҳатдан бундай пухта асар яратилгунига қадар туркийлар грамматик ва услубий жиҳатдан шаклланган тилга эга бўлганлар. Олимнинг таъкидлашича, бу тил ҳозир халқ бахшилари ижодида сақланиб қолган. Шу сабабли бахшилар "тили"ни ўрганиш тош битиклардаги айрим муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Дарҳақиқат, бахшиларнинг достон куйлаётганларида товушларни чўзиб талаффуз қилишлари гапимга исбот бўла олади. Туркий халқларнинг бепоён кенгликлардаги чорвадорлик ҳаёти ҳам товушларни чўзиб талаффуз қилишни тақозо қилган. Қадимда ва ўрта асрларда яратилган ҳамма қомусларда чўзиқлик махсус атамалар орқали кўрсатилган. Агар туркий тилда чўзиқлик бўлмаганида эди, Алишер Навоий аруза кўп ва хўп ёза олмаган бўлур эди. Зеро, аруз товушларни чўзиб талаффуз қилишни тақозо этади.

— Домла, руна ёзуви илк бор қачон ва қаерда пайдо бўлган?

— Туркшуносликдаги энг кейинги изланишлар шуни кўрсатадики, руна ёзуви аввал Мўғулистон шимолида пайдо бўлган. Сўнгра хоқонлик емирилгандан сўнг бошқа ҳудудларга тарқалган. Ёзув биринчи турк хоқонлиги даврида яъни милодий 552-630 йиллар орасида яратилган.

— Урхун хати қайси алифбо асосида яратилган?

— Руна ёзуви (урхун хати) сўғд алифбоси асосида юзага келган. Алифбо яратувчилар сўғд ҳарфларини кўр-кўрона кўчириб олмаганлар, балки профессор В. Лифшиц ёзганидек, уларга ижодий ёндашганлар. Ҳарф шаклларига ўзгартириш киритганлар. Эроний ва туркий халқларнинг иқтисодий, ҳарбий ва маданий соҳадаги дўстона алоқалари руна ёзувининг шаклланишига олиб келган. Тадбиркор сўғдлар кўп масалаларда туркийлар билан ҳамкорлик қилганлар. Бизнингча, бир гуруҳ сўғд ва туркий зиёлилар маслаҳатлашиб, бу ёзувни шакллантирган. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, туркийлар руна ёзуви пайдо бўлгунга қадар бирмунча вақт сўғд ёзувидан фойдаланган. Сўғд ҳарфларида битилган туркий ёдгорликлар ҳозирда Берлиндаги қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

— Унда тош битиклар ким томонидан ёзилган?

— Култегин ёдгорлиги охирида муаллиф ўзи ҳақида шундай ёзган: *тош битидим Йўллуғ тегин. Йўллуғ* сўзининг маъноси *йўлчи*. Ҳозир ҳам йўлда туғилган болага *Йўлчи* исмини қўядилар. Аммо Туйуқуқ ёдгорлиги муаллифи ҳозирча номаълумлигича қолмоқда. Ҳа, айтгандай Туйуқуқ сўзининг ўзаги *тутуй* бўлиб, у онг, ақл маъносини англатади. У ҳозирги *туймоқ*, тушунмоқ сўзлари таркибида сақланиб қолган.

— Урхун ёзувида нечта белги бор?

— Бу алифбо асосан ўттиз бир белгидан иборат. Машҳур туркшунос А. Шчербакнинг фикрича, у бир марталик ёзув сифатида яратилган. Шу сабабли мукаммал эмас. Руник белгилар ҳамма туркий товушларни тўлиқ акс эттира олмайди. Чунончи, саккизта унли учун тўртта белги олингани фикримизни тасдиқлайди.

— Айтинг-чи, бу ёзув қанча вақт истеъмолда бўлган?

— Ёзувдан тахминан икки юз йил атрофида фойдаланилган. Туркийлар руна ёзуви номукаммаллиги туфайли уйғур ёзувига кўчганлар. Бу алифбо руна ёзувига нисбатан бирмунча мукаммал. Масалан, руна ёзувида чўзиқ унлилар учун белги бўлмаган, уйғур ёзувида эса бир ҳарфни икки марта ёзиш орқали чўзиқлик кўрсатилган. Шунинг учун бўлса керак, туркий халқлар ундан олти юз йил давомида фойдаланиб келдилар. Бу ёзув темурийлар даврigача етиб келган. Лутфий, Хўжандий асарлари араб ҳарфлари билан бирга уйғур ёзувида ҳам битилган. Ундан Бобурнинг отаси Умаршайх ҳам фойдаланган.

— Урхун-Енисей ёдгорликларининг қадимийлиги ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— А.Шчербакнинг Урхун ёзуви Енисей ёдгорликларидан ҳам қадимийроқ деган фикрига қўшиламан. Агар иккала ёдгорликлардаги ҳарфларни ўзаро солиштирадиган бўлсак, Енисей ёдгорликларидаги белгилар номукаммал. Чунончи ***"б"*** ҳарфи *16*, ***"г"*** ҳарфи 8 хил кўринишга эга. Урхун битикларидаги белгилар асосан бир хил кўринишга эга. Урхун ёзувининг қадимийлигини ёдгорликлардаги воқеаларнинг изчил баёни ҳам тасдиқлайди. Туркий халқларнинг бошидан кечирган ташвиш ва қувончлари Урхун дарёси яқинидан топилган ёдгорликларда яхши баён этилган. Енисей ёзуви гарчи XII-XIII асрларгача давом этган бўлса-да, уларда туркий халқлар ҳаётига оид муҳим воқеалар йўқ. Бу ёдгорликлардаги жумлаларнинг кўпи узуқ-юлуқ.

Ситора ШАМСИДДИН қизи суҳбатлашди.



Руна ёзуви ёдгорликлари

МАДАНИЯТ

14 февраль – Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

Бетакрор истеъдод соҳиби, мард ва тадбиркор инсон

Мустақиллик бизга кўҳна ва бетакрор тарихимизни чуқур ўрганишга, ўзлигимизни англашга кенг имконият яратиб берди. Жаҳон маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган ва юксак инсоний фазилатлар соҳиби бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг фаолияти ва бебаҳо меросини чуқур ўрганишга, унинг таваллуд айёмини халқаро миқёсда нишонлаб, асарларини нашр қилиш каби хайрли ишларга кенг йўл очилгани фикримизни исботлайди.

Бугунги кунда Бобурнинг ижодий меросини Марказий Осиё халқлари қаторида афғон, ҳинд тадқиқотчилари, покистонлик, европалик ва бангладешлик олимлар ҳам атрофлича ўрганмоқдалар. Буюк ватандошимиз ҳақида кўплаб илмий ва бадиий асарлар, фильмлар яратилгани, музейлар ташкил этилгани диққатга сазовордир.

Биз Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи директори, филология фанлари доктори, профессор Саидбек ҲАСАНОВ билан Бобур ижоди ва илмий-адабий фаолиятига бағишлаб олиб бораётган тадқиқотлари хусусида суҳбатлашдик.

— Бобур шеърияти маълум даражада шоирнинг автобиографияси ҳамдир. Унинг таъсирчан, содда ва равон тилда битилган шеърлари ҳаётий ҳодисалар ва турмуш воқеалари замирида намоён бўлган. Шоир лирикасининг марказида комил инсон шахси, пок туйғуларни улуғлаш, вафо, садоқат, меҳру муҳаббат мавзулари туради, – дейди Саидбек Ҳасанов.

— Домла, маълумки, Бобур Мирзо улуғ шоир, қомусий илм соҳиби, моҳир лашкарбоши ва йирик давлат арбоби бўлган. Сиз билан аввало, ватандошимизнинг юксак инсоний фазилатлари ҳақида суҳбатлашсак...

— Ҳиндистонлик давлат арбоби Жавоҳарлаъл Неру ўзининг "Ҳиндистоннинг кашф этилиши" ва "Жаҳон тарихига бир назар" асарларида Бобур ва унинг набираси Акбаршоҳ ҳақида шундай ёзади: "Бобур — дилбар шахс. Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди. Унинг набираси Акбар яна ҳам дилбарроқ ва кўп яхши фазилатларга эга бўлган. Мард, жасур, истеъдодли лашкарбоши, раҳмдил, шафқатли, идеалист ва ҳаёлпараст, шу билан бирга, ҳаракатчан, ўз ишини давом эттирувчиларнинг садоқатига сазовор бўлиш учун интилувчи инсон бўлган".

Инглиз тарихчиси Эдуард Холден Бобурни лашкарбоши, арбоб ва шоир сифатида Цезарь билан бир қаторга қўйса, жозибадор характери жиҳатдан Рим ҳукмдоридан ҳам юқори турувчи деб билади ва "Унинг манглайига юксак фазилатли инсон деб битиб қўйилган", дейди. Бу фазилатларни Бобурнинг шеъриятида ҳам кўриш мумкин. Шоир аввало, инсонни улуғлайди, унга ҳурмат билан қарайди, қадр-қимматини юқори кўтаради. У дўстлик, биродарлик, Ватанга садоқат каби сифатларни олқишлайди. Бобур шеърларида она-юрт мавзуси алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг аксарият ғазалларидаги ҳижрондан шикоят, Ватанни қўмсаш каби дил садолари ўқувчини чуқур ўйга солади...

Бобур фикрича, худбинлик, хасислик, риёкорлик каби ёмон иллатлар инсонни ҳалок этади. У инсоннинг ҳаёти яхшилик, мурувват, олижаноблик, тўғрилик каби олий мақсадларга қаратилиши керак, деб ҳисоблайди. Мансаб ва давлатга эришиб ғурурланмаслик, камтарин бўлиш каби инсоний фазилатларнинг камол топишига ундайди.

Ватандошимиз сиймосини белгилайдиган хусусиятлар орасида унинг темурийлар салтанатини сақлаб қолиш, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам давлат тузишга бўлган саъй-ҳаракатлари алоҳида кўзга ташланади. Бу курашларда у мард ва жасоратли, узоқни кўзлайдиган арбоб ва моҳир саркарда сифатида танилган.

— Шоҳ ва шоир... Сиёсат, давлат ишлари ниҳоятда кишини банд қиладиган, ташкилий, тадбирий юмушлар ва ҳаётнинг кутилган ҳамда кутилмаган ташвишлари билан умрни ўтказиш демак. Аммо шоирлик, ижод бу бошқа дунё. Бобур ҳар иккала соҳада ҳам келгуси авлодларга ибрат бўладиган даражада фаолият юритган. Бунга қандай эришган деб ўйлайсиз?

— Юқорида таъкидлаганимиздек, Бобур жасоратининг чеки бўлмаган. У ҳатто иккиюч киши билан кўп сонли душманга қарши жангга кириб, ғалаба қозонган пайтлари бўлган. Ўз навкарларига доим ғамхўрлик кўрсатиши, оддий аскардек барча машаққат ва уқубатларни улар билан бирга тортиши, аксарият пиёда юриши, тоғ-у тош ошиб, сув кечиб сафар қийинчиликларига шерик бўлиши, қаҳратон совуқлар, жазирама иссиқ азобларини бирга тортиши сабабли жангчилар ўртасида ҳурматга сазовор бўлади. Уларнинг ишончини қозонган ва қўшинда мустаҳкам интизом ўрнатишга эришади. У халққа зулм қилувчи, талончилик билан шуғулланувчи бек ва навкарларни аёвсиз жазолайди.

Шу боис, Бобур Ҳиндистонда оз вақт ҳукмдор бўлиб турган бўлса-да, жуда катта ишларни амалга оширишга муваффақ бўлди. Масалан, у мусулмон бўлмаган аҳолидан олинадиган солиқни бекор қилади. Ғазна ва Афғонистоннинг бир қанча вилоятларидаги сув иншоотларини таъмирлатади. Кобул, Деҳли, Агра шаҳарларида, Жамна дарёси ёқаларида улкан қурилиш ишларини олиб боради. Аградан Кобулга борадиган савдо йўлининг бехатарлигини таъминлаш мақсадида карвонсаройлар, работлар қурдиради. Ўз атрофига олим ва шоирларни тўплаб, уларнинг ижодий ишларига ҳомийлик қилади.

Бобур саройига Ўрта Осиё ва Хуросондан машҳур тарихчи Хондамир, файласуфлардан Абубакр, шоирлардан мавлоно Шиҳоб Муаммоий (тахаллуси "Фақирий"), Мулла Бақрий, Видоий ва бошқа ижодкорлар келиб, ўзбек, форс-тожик тилларида ижод қилганлар. У ҳинд олимларидан Шайхорони ўзига вазир қилиб тайинлаган. Бобур асос солган салтанат мамлакатни маълум даражада сиёсий жиҳатдан бирлаштириш, ободонлаштириш ва маданий жиҳатдан юксалтириш нуқтаи назаридан Ҳиндистон учун фойдали бўлган.

— Неча асрлардан буён Бобур ва бобурийлар яратган илмий, бадиий, қомусий асарлар дунё аҳлини лол қолдириб келмоқда. Бунинг сири нимада?

— Дарҳақиқат, бобурийлар яратган бой мерос жаҳоннинг турли хазиналаридан муносиб жой олганининг ўзи бу меросга бўлган қизиқишнинг ҳозир ҳам нақадар катта эканидан далолат беради.

Масалан, биргина АҚШнинг Огоя штати пойтахти Цинциннати шаҳридаги Санъат музейида Бобур ва унинг авлодларига мансуб шаҳзодаларнинг 1526 йилдан то 1858 йилгача бўлган тарихий ва маданий ёдгорликларининг энг ноёб нусхалари сақланаётгани юртдошларимиз қалби, шуурини ҳайратга солади.

Музейга ташриф буюрганимизда дастлаб эътиборимизни тортган Бобур ҳукмдорлигига мансуб бўлган мусаввир Мануҳар Даснинг миниатюра асари бўлди. Бу асар 1602 йилда ишланган бўлиб, унда Акбаршоҳнинг қадрдон дўсти Мирза Азиз Кўкани ўз даргоҳида қабул қилаётгани акс эттирилган. Музей фондида сақланаётган бобурийлар кутубхонасига оид айрим қўлёзмаларда эса Ҳиндистон давлат арбоблари — Ҳумоюн, Акбаршоҳ, Шоҳжаҳон, Доро Шукуҳ, Шоҳ Шужъ ва Аврангзебнинг севимли ўғли Азамшоҳ сиймоларининг бобурийларнинг Ҳиндистондаги сўнгги ҳукмдорларидан бири Акбар II нинг ўз аъёнлари ҳузуридаги тасвири ифодаланган. Булар Бобур ва унинг авлодлари жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшганини ёрқин далилловчи тарихий ҳужжатлардир. Бу мисолларни келтиришдан мақсад Акбаршоҳ даврида адабиёт, санъат ва илмнинг бошқа соҳалари, айниқса, миниатюра санъатига алоҳида аҳамият берилганини яна бир бор таъкидлашдир. Шу боис илм-фан, адабиёт ва тарихга оид араб тилидаги мўътабар асарларни форс тилига таржима қилиш, уларни дунё аҳамиятига молик асарлар сифатида тарғиб қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратилган.

— Улуғ ватандошимиз Бобур Мирзонинг бизга қолдирган бебаҳо хазиналаридан бири — "Бобурнома"дир. У фақат тарихий асар эмас, балки илмий, мемуар асар ҳам ҳисобланади. Унинг китобхонларни ўзига тортган жозибаси нимада?

— Тўғри, "Бобурнома" классик адабиётимизнинг нодир ёдгорлиги ҳисобланади. Истиқлолгача Бобур шахси, унинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга нисбатан тазйиқлар бўлиб келгани ҳеч кимга сир эмас. Шуни гурур билан айтиш керакки, буюк аждодимизга, унинг бой меросига муносабат истиқлол туфайли ўзгарди. "Бобурнома" узоқ даврлардан бери бутун дунёда кўплаб олимларнинг диққат-эътиборини жалб қилиб келди ва улар томонидан юксак баҳоланади. Сабаби, асарда XV аср охири — XVI аср бошларидаги Ўрта Осиё, Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистонда юз берган ижтимоий-сиёсий ҳодисалар тасвирлангани учун ниҳоятда қимматли тарихий аҳамият касб этади.

Унда темурий ҳукмдорларнинг ўзаро урушлар оқибатида бирин-кетин мағлубиятга учраши, жумладан, Абусаид Мирзо вафотидан кейин унинг ўғиллари (Умаршайх, Султон Аҳмад, Султон Маҳмуд ва бошқалар) ўртасида чиққан жанжаллар, Бобур ва унинг амакиваччалари, беклар ўртасидаги курашлар, Ҳусайн Бойқаро билан ўғиллари орасидаги низолар, темурийлар билан Шайбонийхон ўртасида Мовароуннаҳр учун олиб борилган курашлар, айрим ноқобил ҳукмдорлар саройидаги фитналар очиқ ва ишончли тарзда тасвирланган. Шунингдек, Бобур томонидан Афғонистон ва Ҳиндистоннинг эгалланиши — барчаси ҳаққоний тарзда, ўша замонга хос жимжимадор ва баландпарвоз тасвир услубидан фарқли ўлароқ, ғоят гўзал, жонли ва мароқли ифода қилинган. Бобурнинг ўзи эса бу ҳақда шундай дейди: ***"Чун бу тарихда андоқ имтизом қилинибтурким, ҳар сўзнинг ростини битилгай ва ҳар ишнинг баёни вақеъини таҳрир этилгай"***. Асар маълумотлар бойлиги, аниқлиги, тарихий воқеаларнинг ҳақиқийлиги билан ифода этилиши, хронологик изчиллик, ифоданинг соддалиги ва равонлиги "Бобурнома"нинг тарихий манба сифатидаги афзалликларини ва жозибасини янада оширади.

— Тоҳрон Миллий кутубхонасидан ватанимизга келтирилган Бобур асарлари тўплами қўлёзма нусхалари ҳақида ҳам маълумот берсангиз?

— Ўтган асрнинг 70-йиллари Туркияда нашр этилган Ислом тадқиқоти каталогида Бобур асарлари қўлёзмаларининг энг қадим ва нодир нусхаси Эронда сақланаётгани маълум қилинганди. Каталог муаллифининг сўзига кўра, бу қўлёзма 931 ҳижрий — милодий 1524-1525 йили, яъни Бобурнинг ҳаётлик даврида кўчирилган. Қўлёзмани ўрганиш натижасида бу нусха Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари тўпламидан иборат экани аниқ бўлди. Қўлёзма Бобурнинг "Мубаййин", "Аруз рисоласи", "Бобурнома" ва Хожа Аҳрорнинг "Рисолаи волидийя" асарининг таржимасидан иборат бўлиб, жами 1036 саҳифани ташкил этади. Қўлёзма нусхасига кирган биринчи асар "Мубаййин" рисоласидир. Бу асар нашри ва унинг илмий-танқидий матни яратилганига қарамай, бу борадаги ишлар келажакда ҳам давом эттирилиши зарурлигини кўрсатади.

Шунингдек, Тоҳрон Миллий кутубхонасидаги Бобур асарлари тўпламида "Мубайййин"дан кейин, япон олими Эйжи Мано томонидан қайд этилганидек, Бобур шеърлари эмас, балки "Бобурнома"нинг 933 ҳижрий — 1526 милодий йил воқеаларида эслатилган "Кўзу қошу сўзу тилинму дей, қаду ҳадду сочу белиниму дей?" байтининг беш юз тўрт вазндаги тақтиъи келтирилган (Бобур бу тўғрисида "Рисолага тартиб берилди" дейди). У уч саҳифадан иборат форс тилидаги шарҳ билан бошланади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу нусхада мазкур байт 498 вазнга туширилган ҳолда, бирма-бир ёзиб чиқилган. Орадан бир саҳифа тушиб қолган кўринади. Бобур айтган 504 вазнга олтита мисол етишмайди.

Бобурнинг Тоҳрон қўлёзмаси таркибига кирган навбатдаги асар "Бобурнома"дир. "Бобурнома" қўлёзмаларини Тоҳрон нусхаси билан солиштириш натижасида унинг матни тўла ва айрим камчиликларидан холи эмаслиги маълум бўлди. Масалан, асарнинг 901 ҳижрий, яъни милодий 1495 йил воқеаларидаги Султон Ҳусайн Мирзонинг Ҳисорга юриш қилгани қисм сарлавҳасидаги тарих санаси йўқ. "Бобурнома"нинг Афғонистонга оид воқеалар матнининг катта қисми ҳам бу нусха таркибидан ўрин олмаган. Хуллас, Тоҳрон қўлёзма нусхасини бошқа қўлёзмалар билан қиёслаш натижасида шуни айтиш керакки, бу қўлёзма Бобур асарларининг муаллиф қаламига энг яқин бўлган ва ишончли матнини яратишда ўзига хос, бетакрор манба сифатида истифода қилишга лойиқ эътиборли нусха эканини қайд этиш мумкин.

— Бобур меросини ўрганишни кучайтириш, рағбатлантириш ва мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилган Бобур номидаги халқаро экспедиция ҳам анча йиллардан буён бир қанча эзгу ишларни амалга оширмоқда. Экспедициянинг ютуқлари ҳақида ҳам тўхталсангиз...

— Жаҳон қўлёзма фондлари ва шахсий кутубхоналарда сақланаётган бобурийларга оид қўлёзма китоблар, айниқса, Ўрта Осиё халқларига мансуб меросларни аниқлаб, уларнинг фотосуратларини мамлакатимизга олиб келишда Зокиржон Машрабов раҳбарлигидаги экспедиция катта жонбозлик кўрсатмоқда.

Экспедициянинг катта ютуқлари сифатида Машҳад музейидан Бобур ихтиро қилган хат билан ёзилган "Қуръони Карим" ва Тоҳрондан «Бобур куллиёти»нинг қўлёзма нусхаларининг Ватанимизга келтирилганини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя.

Адиба УМИРОВА суҳбатлашди.

СПОРТ

БУГУН — ЙИЛ УЧРАШУВИ

Бугун футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси ЖЧ-2010 4-саралаш босқичининг 5 тур учрашувлари доирасида "Пахтакор" марказий стадионида Баҳрайн терма жамоасига қарши тўп суради. Кўпчилик томонидан "Йил учрашуви" дея номланаётган мазкур ўйин соат 16:00да бошланади. Аввал хабар берганимиздек, терма жамоамиз мураббийи Миржалол Қосимов бу сафар 26 нафар футболчини ўқув-йиғин машғулотларига жалб қилган. Уларнинг 5 нафари эса хориж клубларида тўп сураётган легионерларимиз ҳисобланади.

Ҳозир қиш кунлари бўлгани боис, аксарият мухлисларни мазкур учрашувга "Пахтакор" марказий стадиони тайёрми?", — деган савол ўйлантириши табиий. Ҳа, албатта, айни пайтда футбол майдонининг ҳолати аъло даражада. Мутахассислар томонидан майдонга янгитдан уруғ сепилган ва республикамизнинг бош аренаси ям-яшил ҳолатга келтирилган.

Кўпчилик томонидан интиқлик билан кутилаётган ушбу ўйин қизиқарли курашларга бой ва шиддатли ўтиши кутилмоқда. Умид қиламизки, "ўзбек Мародонаси" бошчилигидаги Миллий терма жамоамиз бугунги баҳсда ғолибликни қўлга киритади.

МИШЕЛЬ ПЛАТИНИ НОРОЗИ

УЕФА президенти Мишель Платини миллионлаб пул эвазига футболчилар бирор жамоа шарафини ҳимоя қилаётганидан норози эканини билдирди. Унинг бундай фикрга келишига, Англиянинг "Манчестер Сити" футбол жамоаси бразилиялик моҳир футболчи Какани ўз сафига қўшиб олиш учун 100 миллион фунт-стерлинг таклиф қилгани сабаб бўлган.

— Ҳозирги молиявий инқироз шароитида бир футболчи учун 100 млн. сарфлаш ҳақида ўйлаш кулгили, — дейди у журналистларга берган интервьюсида. — Ишончим комилки, фикримни кўпчилик қўллаб-қувватлайди. Бу ҳақда бир қатор иқтисодчилар билан ҳам гаплашиб олдим. Натижада ҳаммамиз трансферлар суммасини чеклаш, жоиз бўлса бу борадаги қонун-қоидаларни минтақаларга қараб қайтадан кўриб чиқиш керак, деган хулосага келдик. Бунинг учун бизда ҳозирданоқ бир қанча таклифлар бор. Масалан, футболчиларга тўланадиган маблағларни нормалаштириш. Қолаверса, ҳар бир футбол клуби ўзини иқтисодий жиҳатдан таъминлай олиши керак. Бу муаммо фақат Англияга эмас, бутун Европага тегишли. Айтайлик, ўша катта-катта пул сарфлаб, шов-шув кўтараётган "Манчестер Сити" жамоаси ҳам ёш футболчилар мактабини яратиб, "янги Кака"ларни кашф қилиши мумкин-ку!

ЖИДДИЙ ҚАРОР

Дунёда ярим оғир вазнда энг кучли боксчи ҳисобланган Жо Кальзаге боксчилик фаолиятини тугатишга қарор қилган. Бу ҳақда www.sovsport.ru сайти маълумотлар тарқатди. Шу кунгача мазкур британиялик спортчи ҳар қандай боксчининг ҳам қўлидан келавермайдиган натижаларни қайд этгани аҳамиятлидир. Яъни, у профессионал рингда 46 та жанг ўтказиб, уларнинг барчасида зафар қучган.

— Боксдан кетиш ҳаётимда қабул қилган энг оғир қарорларимдан бири бўлди, — дейди у. — Тўғри, менда боксга қайтишга ҳар доим имконият бор. Спортчи учун эса асосийси ғалаба қозониш ва уни сақлаб қолишдир. Шу боис мен обрўйим борида этагимни ёпишни маъқул кўрдим. Яна шуни қўшимча қилмоқчиманки, боксда нима қилишни ният қилган бўлсам, уларнинг ҳаммасига эришдим. Ҳозир катта спорт майдонида ягона бўлишга кучим қолмади.

Ўтган йил Жо Кальзаге учун омадли келганди. У йил давомида иккита жанг ўтказиб, америкалик чарм қўлқоп усталари Бернард Хопкинс ва кичик Рой Жонсларни мағлуб этганди. Шунингдек, спортчи 2008 йилнинг ноябрь ойида Буюк Британия қироллигининг энг олий унвони — Британия империяси командори ордени билан ҳам тақдирланди. Унга бу унвон Уэльсда спортни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва амалга оширган хайрли ишлари учун берилганди. Жо Кальзагенинг наздида, фаолияти давомидаги энг оғир учрашув WBA ва WBC йўналишлари камари учун Меккеле Кесслерга қарши ўтказган жангидир.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

ҚИЗИҚ!

Буюкларнинг ўзига хос хислатлари

Немис файласуфи Иммануэл Кант (1724-1804) деразалари маҳкам ёпилган уйдагина яшай оларди.

* * *

Буюк француз ёзувчиси Ги де Мопассан (1850-1893) болалигида музқаймоқ ейишдан қўрққан. Чунки ўшанда бу маҳсулот энди сотувга чиққан бўлиб, бўлажак адибнинг онаси уни еган болаларнинг ичи музлаб қолади деб қўрқитарди.

* * *

Инглиз олими Исаак Ньютон (1643-1727) ўзи ҳақида: "Онамнинг айтишича, туғилганимда шу қадар кичкина бўлганманки, ҳатто каттароқ пиво кружкасида мени чўмилтириш мумкин экан..." деб ёзганди. Аммо Ньютон катта бўлгандан кейин ҳеч қандай касалликка чалинмайди. Ҳатто ўлимидан олдин, яъни 84 ёшида ҳам кўзойнаксиз китоб ўқирди.

* * *

Россия императори Пётр I (1672-1725) турли давлатлардан келтирилган ажойиботлар музейини ташкил қилган. Унда беш оёқли қўзичоқ каби ғаройиб мавжудотларни ҳам кўриш мумкин эди.

Гулнора ЗОКИРОВА тайёрлади.

РАССОМ ХАНДАСИ

Абдурасул Ҳакимов чизган сурат.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. *ISSN* 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Ҳуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдукаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: 236-53-92, 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 **Тел-факс:** 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-367-374-81-53
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Қашқадарё — 8-375-221-78-50
Тошкент — 8-370-383-97-53
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-73-68

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.50

® — тижорат белгиси.

Адади: 16414 Буюртма — Г-154 2 3 4 5 6 7 8